

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI  
MUQIMIY NOMIDAGI QO‘QON DAVLAT  
PEDAGOGIKA INSTITUTI**

**MAGISTRATURA BO‘LIMI**

**Qo‘lyozma huquqida  
UDK:**

**MAXSUDOVA UMIDA ABDUSATTOR QIZI**

**INGLIZ VA O‘ZBEK TILLARIDAGI QO‘SHMA SO‘ZLAR  
XUSUSIYATLARINING KONTEKSTUAL TAHLILI**

5A111401- Xorijiy til va adabiyoti

Magistr akademik darajasini olish uchun taqdim etilgan

**DISSERTATSIYA**

**Ilmiy rahbar:** PhD. S.A. Xamzayev.  
“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2020-yil  
\_\_\_\_\_ imzo

**Kafedra mudiri:** E.M.Yusufaliyev.  
“Himoyaga tavsiya etildi”  
“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2020-yil  
\_\_\_\_\_ imzo

**Magistratura bo‘limi boshlig‘i:** O.O.Bozorov  
“Himoyaga ruhsat berildi”  
“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2020-yil  
\_\_\_\_\_ imzo

**Qo‘qon -2020**

## Мундарижа

|                                                                                                                      |    |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>КИРИШ</b> .....                                                                                                   | 3  |
| <b>I- БОБ. ҚЎШМА СЎЗЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ</b>                                               |    |
| 1.1. Инглиз тилидаги қўшма сўзларга бағишланган илмий адабиётларнинг таҳлили.....                                    | 7  |
| 1.2 Ўзбек тилидаги қўшма сўзларга бағишланган илмий адабиётларнинг таҳлили.....                                      | 23 |
| I-боб бўйича хулоса.....                                                                                             | 40 |
| <b>II-БОБ ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СЎЗ ЯСАЛИШ ҲОДИСАСИ</b>                                                          |    |
| 2.1. Ўзбек тилида сўз ясалиш структураси.....                                                                        | 42 |
| 2.2. Инглиз тилида сўз ясалиш структураси.....                                                                       | 50 |
| II-боб бўйича хулоса.....                                                                                            | 55 |
| <b>III-БОБ ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ҚЎШМА СЎЗЛАРНИНГ СТРУКТУРАВИЙ-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ</b>                         |    |
| 3.1.Инглиз тилида қўшма сўзларнинг структуравий таҳлили.....                                                         | 56 |
| 3.2. Инглиз тилидаги қўшма сўзларнинг семантик жиҳатдан таҳлили.....                                                 | 59 |
| 3.3. Ўзбек тилида қўшма сўзларнинг структуравий таҳлили.....                                                         | 64 |
| 3.4. Ўзбек тилидаги қўшма сўзларнинг семантик хусусиятлари .....                                                     | 67 |
| 3.5. Инглиз ва ўзбек тилидаги қўшма сўзларнинг семантик ва структуравий хусусиятларини қиёслаб ўрганиш масаласи..... | 74 |
| III- боб бўйича хулосалар .....                                                                                      | 81 |
| <b>Умумий хулосалар</b> .....                                                                                        | 83 |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....                                                                        | 85 |

## Кириш

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлашда, унинг ижтимоий – сиёсий тараққиётини янада юксалтиришда давлатимизда олиб борилаётган ислоҳсўзлар барча соҳалар қаторида илм ва фан олдига ҳам бир қатор вазифалар қўйди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган кунларданок жаҳон ҳамжамияти билан турли соҳаларда алоқаларни ўрната бошлади. Натижада, жумладан, илм ва фанда ҳам янги имкониятлар очила бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февридаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида»ги Фармони<sup>1</sup>, 2017 йилнинг 20 апрелидаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳақида»<sup>2</sup>ги қарорида ҳамда мазкур соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Дарҳақиқат, илм ва фаннинг йирик соҳалардан бири тилшуносликда ҳам айниқса ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бу турли халқлар тилларини она тилимиз билан қиёслаб ўрганиш ва улар орасидаги кенг имкониятларни халқимизга етказишдир. Тил халқлар орасидаги маданий алоқаларни бир-бири билан туташтирувчи кўприқдир. Мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишга ва ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. Бу ҳам, албатта, бежиз эмас. Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун чет эллик шерикларимиз билан ҳамжихатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини кураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолаш ҳожати йўқдир». Бугунги кунда хорижий тилларни

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февридаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида»ги Фармони

<sup>2</sup> 2017 йилнинг 20 апрелидаги

ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳақида»ги қарори

мамлакатимизда кенг миқёсда турли ёшдаги ва турли касбдаги кишилар ўрганмоқда ва бунга эҳтиёж ошмоқда. Хорижий тилларнинг мамлакатимизда Катта қизиқиш билан кенг ўрганилиши албатта тилшунос олимлар олдида катта вазифаларни қўяди. Афсуски, ҳозирги кунда ҳам хорижий тиллар, айниқса, герман тиллари, жумладан, инглиз тили билан ўзбек тилини қиёслаб ўрганишда кўп ишлар деярли рус тилида қилинган.

Бундай заиф, ноўрин ҳолатларни тезда ўзгартириш, ўзбек боласига чет тилларнинг ажиб дунёсига бемалол кириш учун имкониятларни тўлиқ очиб беришимиз даркор.

Юртимизда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишда янги методдаги дарсликлар ва янгича дастурлар ишлаб чиқишни тақазо этмоқда. Ҳар бир чет тилини ўрганиш учун яратилаётган дарслик ва дастур миллий асосларни ҳисобга олган ҳолда яратилиши керак бўлади. Бунинг учун эса, албатта, ўша ўрганилаётган тилнинг имкониятларини очиб бериш керак бўлади. Шу ўринда, тилшунослик олдидаги долзарб вазифалардан бири ҳар иккала тилни қиёслаб, улардаги ўхшаш ва фарқли томонларини очиб беришдир.

**Мавзунинг долзарблиги**- шундан иборатки: биринчидан; ўсиб келаётган ёш авлодни ўқитиш ва билимли қилиш мустақил Ўзбекистон Давлатининг асосий вазифаларидан биридир. Ҳозирги кунда асосий масалалардан бири бу – инглиз ва ўзбек тилларини қиёслаб ўрганишдир.

**Биринчидан:** ўзбек ва инглиз тиллари хусусиятларини чуқур ўрганмасдан туриб инглиз тилини мукаммал ўрганиб бўлмайди.

**Иккинчидан:** қиёсий тилшунослик ҳозирги замон тилшунослигига асосий йўналишлардан биридир.

**Учинчидан:** инглиз ва ўзбек тилидаги қўшма сўзларнинг семантик ва структуравий хусусиятлари ҳали қиёсий тилшуносликда кенг ва чуқур ўрганилмаган.

**Тўртинчидан:** инглиз тилидаги қўшма сўзлар тил ўрганишда ҳам таржима жараёнида ҳам ўзбеклар учун қийинчилик туғдиради.

Диссертацион ишнинг **мақсади** – инглиз ва ўзбек тилларидаги қўшма сўзларни қиёслаб ўрганиб, улар ўртасидаги фарқлар ва ўхшаш тарафларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиб беришдир.

Диссертацион ишнинг **вазифалари** қуйидагилардан иборат:

- 1) мавзуга доир илмий ишларни таҳлил қилиш ва ўрганиш;
- 2) қиёслаш учун қўшма сўзларнинг белгилари ва хусусиятларини аниқлаш;
- 3) уларни шу белги ва хусусиятларига қараб қиёслаш;
- 4) инглиз ва ўзбек тилидаги қўшма сўзларнинг моделларини аниқлаш;
- 5) қиёслаш жараёнида ўхшаш ва фарқ қилувчи томонларини аниқлашдир.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси:** Тилшунос олимлардан Marchand Н.,<sup>1</sup> Less R. В.<sup>2</sup> ва ҳамда инглиз тилшунослигида иш олиб борган рус олимларидан Шубин Э. П.,<sup>3</sup> Мешков О. Д.,<sup>4</sup> Кукольшикова Л.Е.,<sup>5</sup> Потапова И.А.,<sup>6</sup> Азарх Н.А.,<sup>7</sup> ва кўплаб тилшунослар қўшма сўзларнинг инглиз тилидаги белгиларини очишга ҳаракат қилишган. Шу ўринда ўзбек тилшуносларидан Ж.Бўронов., Ў. Хошимов., Х. Исматуллаевлар биргаликда ёзган “English Grammar” китобида қўшма сўзларнинг хусусиятлари баён этишган.

Диссертациянинг **янгилиги** шундан иборатки, инглиз ва ўзбек тилларидаги қўшма сўзлар типологик жиҳатдан ўзбек тили материалида чуқур таҳлил қилинди.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқотнинг амалий қисмида турли хил методлардан фойдаланилди, жумладан, семантик структурани аниқлашга йўналтирилган изоҳлаш таҳлили методи, маълум бир контекстларда лексемаларнинг қўлланишини, маъно унсурлари асосида белгиларни ажратиш ва аниқлаш имконини берадиган контекстуал таҳлил методларига мурожаат қилинди.

**Тадқиқотнинг методологик асосини** Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда фан, таълим-тарбия соҳасидаги стратегик йўналишларга доир ишлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг назарий аҳамияти** шундан иборатки, у ўрганилган лексик birlikларнинг бир тизимга солинган функционал тадқиқотини ўзида мужассам этган, бу birlikлар инглиз тили материалида бизгача алоҳида туркумга ажратилмаган ва ҳар томонлама таҳлил қилинмаган. Тадқиқотдан олинган натижалар, турли ёндашув йўналишида тил birlikлари муаммосига оид изланишлар таркибига қўшилган бир ҳисса ҳисобланади. Бундан ташқари, мазкур таҳлил натижаларига асосланиб, бошқа тил унсурларини фаоллаштирувчи лексик birlikларни функционал-семантик жиҳатдан ўрганиш мумкин.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти** шундан иборатки, тадқиқот натижаларини тил механизмининг бошқа фикрий (ментал) майдонлар тақдиротида, бошқа туркумдаги тил birlikларининг функционал-семантик (инглиз тили материали ва бошқа тиллар материалида) ишлатиш мумкин. Тўпланган материаллардан ва уларнинг таҳлилидан инглиз тилининг назарий курслари, жумладан, назарий грамматика, лексикология, матн тилшунослиги бўйича маърузалар ўқишда, амалий ва семинар машғулотларини ўтказишда ҳамда курс ишлари, битирув малакавий ишлар ёзишда, дарслик ва қўлланмалар тузишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот материали** сифатида кушма сузларнинг типологик жиҳатидан фойдаланилди. Шунингдек, ҳозирги замон тилшунослигидаги тадқиқот иши мавзусига доир бир катор илмий –назарий, бадий асарлардан фойдаланилди. Турли икки тилли лугатлар, узбекча изоҳли лугат, инглиз ҳамда узбек оммавий ахборот воситалари манбаларидан мисоллар олинди.

Қўйилган мақсад ва аниқланган вазифаларга мос тарзда мазкур диссертацион иш кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

# I-БОБ. ҚЎШМА СЎЗЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

## 1.1. Инглиз тилидаги қўшма сўзларга бағишланган илмий адабиётларнинг таҳлили

Қўшма сўзларнинг бошқа лексик бирликлари билан ўхшаш ва фарқли томонлари ёки ўзига хос хусусиятларини жуда кўп олимлар ўрганишган. Шунингдек, инглиз тилшунослигида бир қатор тилшунос олимлар қўшма сўзлар борасида кўп ишларни амалга оширишган ва уларнинг белгилаш тамойилларини очиб беришга ҳаракат қилишган. Инглиз тилшунослигида қўшма сўзлар кенг ўрганилганлиги олиб борилган тадқиқсўзлар ва олимларнинг илмий изланишларидан кўриниб туради. Яъни, инглиз тилида сўзларнинг ясалиши тилнинг ички масаласи сифатида ҳам кенг ўрганилиши билан бирга ташқи масаласи сифатида ҳам жуда кўплаб тиллар билан қиёслаб ўрганилганлиги ва бунинг натижасида тилдаги янги имкониятлар ёритиб берилганини кўриш мумкин. Ҳозирги кунда кўплаб инглиз тилшунослари қўшма сўзлар борасида сезиларли ишларни амалга оширганлигини ва бунинг натижасида аҳамиятли назариялар пайдо бўлганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Тилшунос олимлардан Marchand Н.,<sup>1</sup> Less R. В.<sup>2</sup> ва ҳамда инглиз тилшунослигида иш олиб борган рус олимларидан Шубин Э. П.,<sup>3</sup> Мешков О. Д.,<sup>4</sup> Кукольшикова Л.Е.,<sup>5</sup> Потапова И.А.,<sup>6</sup> Азарх Н.А.,<sup>7</sup> ва кўплаб тилшунослар қўшма сўзларнинг инглиз тилидаги белгиларини очишга ҳаракат қилишган.

---

<sup>1</sup>Marchand Н. The categories and types of present-day English word formation. Wiesbaden, 1960

<sup>2</sup>Less R. В. Problems in Grammatical analysis of English nominal compounds. "Progress in Linguistics". Ed. By M. Bierwish and K.E. Heidolph. The Hague, 1970.

<sup>3</sup>Шубин Э.П.К вопросу о сложном слове и словосочетании в английском языке. «Уч.Зап. Пятигорского педагогического института», 1995

<sup>4</sup>Мешков О. Д. Словарь-справочник сложных слов типа «существительное+причастие II (английский язык)». М., 1970.

<sup>5</sup>Кукольшикова Л. И. Фонетическая характеристика сложных слов и атрибутивных словосочетани в современном английском языке. «Изд. АН СССР», ОЛЯ. 1968

Булар қатори яна кўплаб тилшунос олимларнинг қимматли ишларини айтиб ўтиш мумкин. Қўшма сўзларни кенгроқ ва чуқурроқ ўрганиш борасида

инглиз тилшунослигида анча ишлар мавжуд бўлиб, уларда келтирилган фикрлар инглиз тилида қўшма сўзлар назариясини маълум даражада шакллантирган, масалан, ишимиз давомида асосий омил сифатида кўриб ўтиладиган баъзи адабиётларда тилшунос олимларнинг қуйидагича фикрлари баён этилади. Яъни Н. Marchand “The term compound” номли мақоласида қўшма сўз ҳақида шундай ёзади: “The coming of new words proceeds by way of combining linguistic elements on the basis of a determinant detreminum relationship called syntagma. When two or more words are combined into a morphological unit on the basis just stated we speak of a compound.”<sup>1</sup>.

Бошқа адабиётларда ҳам қўшма сўз ҳақида ўзларининг муносабатларини баён этган олимларнинг фикрлари ҳам инглиз тилида қўшма сўзлар назариясининг вужудга келишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Қўшма сўзлар ҳақида тилдаги бошқа лексик бирликлардан фарқини белгилаб, А.И.Смирницкий содда сўз, ўзлашган сўз ва таркибида икки ва ундан ортиқ ўзак морфемага эга бўлган қўшма сўзларни фарқлайди. Қўшма сўзларни ўзаро фақлашда ҳам, ясама қўшма сўзларни алоҳида ажратади, яъни *black-eyed* типидagi сўзларни шулар қаторига киритади<sup>2</sup>. Тилшунос олимлардан бири И.В. Арнольд ҳам ўзининг ишларида қўшма сўзларга қуйидагича таъриф беради: “Сложным словом (а compound word) называется объединение двух или, реже трех основ, функционирующее как одно целое и выделяющееся в составе предложения как особая лексическая единица благодаря своей цельнооформленности”<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup>“Янги сўзларнинг ҳосил бўлиши синтагма деб аталадиган аниқловчи ва аниқланмиш муносабатлари асосида тил элементларининг ўзаро қўшилиши орқали шаклланади. Шу асосга мувофиқ ҳолда икки ва ундан ортиқ сўзларнинг бир морфологик бирлик бўлиб бирикиши қўшма сўздир”. (Н. Marchand. The categories and types...1969, 11 бет.)

<sup>2</sup>А.И. Смирницкий. Лексикология английского языка. М., 1959, 57-58б.

<sup>3</sup> “Қўшма сўз (Compound word) деб ўзининг яхлитлиги билан гапнинг таркибида мустақил лексик бирлик сифатида ажралиб турувчи икки ва баъзан уч асосдан иборат бўлган сўзлар тушунилади”. (И. В. Арнольд. Лексикология современного английского языка. М., 1959, 150 б.).

Кейинги ишларида у анологик ёндашган ҳолда яна шундай ёзади: “Compound words are words consisting of a least two stems which occur in the language as free forms. In a compound word the immediate constituents obtain



integrity and structure cohesion that makes them function in a sentence as a separate lexical units”<sup>4</sup>. Баъзи ишларда, яъни масалан: “A grammar of contemporary English” китобида қуйидагича таъриф келтирилади: “A compound is a unit of two or more base. Such “compound” words can be nouns (e.g.: *spring+clean=springclean*)”<sup>5</sup>.

Р.В. Зандворт “Composition” мақоласида шундай ёзади: “English, like other Germanic languages, has a great many examples of vocabularies which, though felt and used as single words, are made up of two or more elements each of which may also be used as a separate word, such vocabularies are called compounds”<sup>6</sup>. Инглиз тилида қўшма сўзларнинг шаклланишини ёритишда ўзига хос услубда иш олиб борилган. Деярли барча адабиётларда қўшма сўзларнинг ясалишини таҳлил этишда қўшма сўзнинг яхлит шаклигини тавсиф этишга алоҳида эътибор берилади. Сўнг қўшма сўзнинг бошқа жихатлари аниқланади. Инглиз тилида қўшма сўз идентификацияси ёки қўшма сўз яхлитлиги ҳақида энг аввал икки муҳим савол кўндаланг бўлади, яъни: (1) Қўшма сўз нима?, (2) бошқа лексик бирликлардан қандай жихатлари билан фарқ қилади?. Бу саволларнинг ҳар иккаласи ҳам икки томонлама, яъни “агар қўшма сўзнинг ўзига хос фарқлари маълум бўлса, демак, барча айти шу хусусиятга мос тушадиган лексик бирликлар қўшма сўз ва аксинча, мос келмайдиганлари қўшма сўз эмас”<sup>7</sup> каби жавоб кутилиши мумкин.

---

<sup>4</sup> “Қўшма сўзлар деб тилда эркин шакл сифатида уярайдиган камида икки негиздан иборат сўзлар тушунилади. Қўшма сўз қисмлари ўзаро бирикиб гапда мустақил лексик бирлик сифатида ишлайди.”. (I. Arnold. The English word. Moscow, Leningrad, 1996, 85-бет).

<sup>5</sup> “A grammar of contemporary English(Ҳозирги инглиз тили грамматикаси) “Қўшма сўзлар икки ва ундан ортиқ асослардан иборат бўлган бирликдир. Бундай қўшма сўзлар сўзлар дан bloodtest; сифатлардан taxfree; ёки феъллардан springclean иборат бўлади”. (R. Quirk. A grammar of contemporary English), London, 1973.

<sup>6</sup> “Бошқа герман тиллари каби инглиз тилида ҳам икки ва ундан ортиқ ва ҳар бири мустақил сўз сифатида ишлатилиши мумкин бўлган элементлар мавжуд ва улар бир сўз сифатида кўрилади ва ишлатилади. Бундай сўзлар қўшма сўзлар деб аталади”. (R.W. Zandvoort. A handbook of English Grammar. London/ 1958, 277бет.)

<sup>7</sup>О.Д Мешков. Словообразование современного английского языка. Изд. «Наука» М., 1976

Инглиз тилшунос олими О. Есперен кўшма сўзга шундай таъриф беради, яъни: “A compound may perhaps be provisionally defined as a combination of two or more words so as to function as one word as a unit”<sup>3</sup>.

Ўрганувчилар учун тилдаги бошқа бирликлар билан кўшма сўз орасидаги фарқни алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадида инглиз тилидаги амалий курс китобларида ҳам кўшма сўз ҳақида таърифлар бериб ўтилади. Масалан: “A compound is a unit consisting of two or more bases”. Шу ўринда Ж.Бўронов., Ў. Хошимов., Х. Исматуллаевлар биргаликда ёзган “English Grammar” китобида қуйидагича фикр баён этилади : “Ҳозирги инглиз тилида сўзларнинг бирикиш усуллари қуйидагилардир: нейтрал (ёки лексик) усул, морфологик (ёки морфемик) усул ва синтактик усул.

1) Нейтрал бирикиш усули (Neutral way) икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг боғловчисиз ёки бириктирувчи морфемаларсиз қўшилиши нейтрал бирикиш (Primary, neutral or juxtapositional compound) усули дейилади. Бу усулни лексик усул дейиш ҳам мумкин. *Eyebrow(қош)*, *fatherland(ота-юрт)*, *landholder(ер эгаси)*.

2) Морфемик бирикиш усули (Morphological way) икки ва ундан ортиқ сўзларнинг боғловчи морфемалар ёрдамида бирикиши морфологик бирикиш усули дейилади. Масалан: *Anglo-Saxon=англо-саксон*

*Anglo-American=англо-америка*

*Crow'sfeet=ажин*

*Crow's-nest=қарғанинг уяси*

3) Синтактик бирикиш усули (Syntactic way) сўзларнинг ёрдамчи сўзлар предлог, боғловчи, юклама, артикл ва бошқалар иштирокида бирикиши синтактик бирикиш усули дейилади. Масалан, *Hook-and-ladder=ўт ўчируш машинаси*, *man-of-war=ҳарбий кема*, *forget-me-not=бўтакўз*.

---

<sup>3</sup> “Кўшма сўз маълум бир вақт давомида бир бутун бирлик сифатида икки ва ундан ортиқ сўзларнинг комбинацияси сифатида ажралиб турадиган ва бир бирлик сифатида ишлайдиган сўзлардир”. (О. Jespersen. A Modern English Grammar, part VI. London, 1954, 134 бет).

Яна шу авторнинг ўзи “Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси” китобида шундай ёзади: “Икки ва ундан ортиқ ўзакдан ёки туб морфемалардан ясалган сўзлар қўшма сўзлар дейилади. Масалан: *side-board*=буфет (*идиши қўйиладиган шкаф*), *side-walk*=йўлка, *тротуар*, *market-day*=бозор куни, *school-house*=мактаб биноси ва бошқалар”.

Демак, сўз яшаш назарияси ва амалиёти нуқтаи-назаридан икки ва ундан ортиқ асоснинг қўшилиши орқали ҳосил бўлган, нутқ жараёнида ўзининг яхлитлиги билан ажралиб турувчи лексик бирлик қўшма сўз ҳисобланар экан. Қўшма сўзнинг шаклланишига кўра хусусиятини белгилаш, аниқлаш билан бир вақтда, биз бошқа барча икки ва ундан ортиқ асосларга эга бўлган, яъни бошқа сўз яшаш хилларидан (суффиксация: *horn-rimmed v*; конверсия: *week-end v*; қайта сўз яшаш *baby-sit*) кабилардан ҳақиқий фарқини аниқлаймиз.

Модомики, ишимиз давомида қиёсланиб ўрганилаётган ҳар иккала тилда ҳам қўшма сўзнинг бошқа лексик бирликлар қатори тил луғат таркибидаги мустақил ўрни ҳақида гап юритилар экан, унинг яхлит шакли ҳақида фикрлар баён этилиб, тилшунос олимарнинг қўшма сўзлар борасидаги олиб борган изланишларининг натижалари ўлароқ, яхлит шакл тушунчаси юзага келганлигини тасдиқлаймиз. Яхлит шакл ҳақида кўпроқ инглиз тилидаги қўшма сўзлар устида иш олиб борган тилшунослар ишларида кўп баён этилганини биламиз. Биринчи бўлиб яхлит шакл термини А.И. Смирницкий томонидан киритилиб, инглиз тили каби бошқа тилларда ҳам сўзларнинг қўшилиши борасидаги изланишларда махсулдор термин сифатида қўлланиб келинган. Шундай бўлсада, ҳозирги қадар бир адабиётда ушбу терминнинг алоҳида маъноси ҳатто А.И. Смирницкийнинг ўзи томонидан ҳам очиб берилмаган. О.С. Ахманованинг “Словарь лингвистических терминов” луғатида яхлит шакл яъни “цельнооформлённость” термини шундай изоҳланади: “нераздельность, неделимость, невозможность разделения на части и помещения между ними других элементов(единиц) языка...”. Бироқ, шуниси муҳимки, қўшма сўзда

изохлаб ўтилган “ажралмас қисмлар (неразделимость, неделимость) яхлит шаклга келиши ниманинг ҳисобига бўлишидир.

О.Д. Мешков бундай таҳлил қилишда қуйидаги фикрни айтиб ўтади: “Под внутренними признаками мы понимаем такие признаки, которые позволяет судить о цельноформленности отдельно взятой лексической единицы. Внешние позволяет судить о цельноформленности лексической единицы в потоке речи. Например, в последовательности *the first-day (cover)* цельноформленности лексической единицы *first day* можно установить лишь по внешним признакам, так как извлеченная из данной последовательности и состоящая из двух лексических единиц (*first, day*) она сама по себе не обладает признаками цельноформленности и распадается на отдельные слова»<sup>1</sup>. Қўшма сўзларги нисбатан бундай фонетик белгини қабул қилиш ҳақида И.П. Иванова шундай ёзади: “..... наряду с действительно большим количеством бесспорных случаев, где наличествует единое ударение, имеется много образований, по поводу которых возникают вопросы и недоумения»<sup>2</sup>. Баҳс ва мунозара фақат шу белгини қабул қилиш ёки қилмасликда эмас, балки бу фонетик белгини у ёки бу сўзга тушадиган урғунинг характери ҳақида маълумот берадиган, лексикографик изланишлар ва бошқа манбаларда қайд этилган қўшма сўзлар учун қўллашдадир. Ҳозирги тил луғат бойлиги кундан-кунга бойиб янги ва янги сўзлар ҳосил бўлган бир вақтда, кўплаб ўқувчилар хатто изланувчи тилшуносларнинг ўзлари ҳам газета ва журналларда, китобларда бундай сўзларни биринчи бор учратганларида ушбу фонетик белгини қўллаш борасида, мустасно тарзда четда қолади.

---

<sup>1</sup> “ Ички белгилари орқали биз шуни тушунишимиз мумкин, яъни алоҳида олинган лексик бирликларнинг яхлит бирлик эканлиги ҳақида ҳукм чиқаришга имкон берса, ташқи белгилари эса, нутқ оқими жараёнида лексик бирликларнинг яхлит бирлик эканлиги ҳақида ҳукм чиқаришга имкон беради. Масалан, *the first-day(cover)* кетма-кет келган сўзларни олсак, бу ерда *the first-day* кетма-кет келган сўзларнинг яхлит ёки яхлит эмаслигини фақатгина унинг ташқи белгиларидан ҳам билиб олишнинг ўзи кифоя. Яъни ажралиб турувчи икки кетма-кет келган лексик бирлик (*first day*)хеч қандай яхлит шаклга эга эмас ва улар алоҳида-алоҳида сўзларга ажралиб кетаверади. (О.Д.Мешков. Словообразование современного английского языка. Изд. “Наука”. Москва, 1976)

<sup>2</sup>И.П. Иванова характеристике сложного слова в английском языке. «Вопросы структуры английского языка в синхронии и диахронии», вып. I. 1967, 4 бет.

Бу борада тилшуносларнинг кўплаб фикрлари мавжуд. Масалан, Марчанд бу ҳақда шундай ёзади: “ Many compounds of the type man-made are, however, always heard with forestress (e.g.; *Moth-eaten, spell-bound, frostbitten, home-spun, heartfelt, heart-broken*). For the speech feeling they have obviously synchronized to a higher degree than e.g.: *home-made, home-bred, custom-built, government-owned, factory-packed*, which have more of a character and there for show the double-stress patterns (in predicative position). Compound of the type crest-fallen always has forestresses”<sup>1</sup>.

Урғунинг қўшма сўз компонентларига тушишини таҳлил қилиш жуда мураккаб ва унга фақат бир томонлама ёндашиш мумкин эмаслиги кўриб ўтилган фикрлардан ҳам аниқ сезилиб туради. Шунга кўра, инглиз тилшунослари қўшма сўзнинг фонетик жиҳатларини таҳлил қилишда қулайлик яратиш учун қўшма сўзга тушадиган урғуни бир неча қисмга бўлиб ўрганадилар: “A Course in Modern English Lexicology”<sup>2</sup> китобининг авторлари шундай ёзади: “ Phonetically compounds are also marked by a specific structure of their own. Compound words have three stress patterns:

- a) A high or unity stress on the first component as in *'honeymoon, 'doorway, etc.*
- b) A double stress, with a primate stress on the first, component, a weaker, secondary stress on the second component, e.g.: *'blood-vessel, 'mad-doctor-“a psychiatrism”*, *'washing-machine, etc.*
- c) It is not infrequent, however, for both to have level stress in, e.g.: *'arm-chair, 'grass- 'green etc.*”

---

<sup>1</sup>“Man-made сингари кўп сўзларда (мс: moth-eaten, spell-bound, frostbitten, homespan, heart-broken) урғу доим олдида тушади ва нутқ жараёнида фахмланишига кўра, бундай сўзлар маълум бир ҳолат учун характерли, (предикативлик позицияси) бўлган икк уруғли, мс: home-made, home-bred, custom-built, government-owned, factory-packed типидagi сўзларга нисбатан урғу доим олдидаги компонентга тушади”.(H.Marchand. The categories and types...,1960, 53бет).

<sup>2</sup> “Фонетик жиҳатдан ҳам қўшма сўзлар алоҳида структурага эга. Уларга тушадиган урғулар уч хил турда тасниф этилади: а) қўшма сўзнинг биринчи компонентига тушадиган урғунинг кучли ёки бир бутун, яхлит урғу эканлиги масалан: *'honeymoon, doorway*, ва бошқалар) қўшма сўз компонентларига тушадиган икки урғу, яъни биринчи компонентга тушадиган кучли ва кейинги компонентга тушадиган кучсиз урғу, масалан: *'blood-vessel, 'mad-doctor-“психотерапевт”*, *'washing-machine*, ва б. в) жуда кам учрайдиган ҳар иккала компонентга ҳам баробар даражада тушадиган урғулар.

Кўшма сўзларнинг фонологик тахлил қилишда, юқорида келтирилган кўшма сўзлар компонентига тушадиган урғуларнинг характериға кўра берилган намуналарнинг а) ва б) намуналари бўйича кўшма сўзларни бошқа сўз группаларидан, айниқса, сўз бирикмаларидан фарқлаб турувчи энг аниқ ҳолатни кузатамиз. Айниқса, буни қуйдаги мисолда кўришимиз мумкин, яъни: *`green-house* (парник, теплица) бу ерда кўшма сўз ва *`green `house* (яшил рангга бўялган уй) бу ерда сўз бирикмаси.

Демак, биринчи мисолда сўзнинг биринчи компонентига кучли урғу тушиш ва иккинчи мисолда эса ҳар иккала компонентларға ҳам урғунинг тенг даражада тушиши сўзларнинг бир биридан фарқлапти *dancing-girl* (раққоса) кўшма сўз ва *`dancing `girl* (рақсга тушаётган қиз); *`mad-doctor* (психотерапевт) кўшма сўз *`mad `doctor* (жинни бўлган доктор) сўз бирикмаси. Охирги келтирилган мисолимизда кўшма сўз компонентларига тушадиган урғу битта бутун эмас, балки ҳар иккала компонентларида ҳам борлиги билан характерланади. Лекин биринчи компонентга тушган урғу кучли урғу бўлиб, кейингисига тушгани эса, кучсиз урғу ҳисобланади ва сўз бирикмасидан ажралиб туради. Учинчи ҳолатда эса, кўшма сўз компонентларининг ҳар иккаласига ҳам худди сўз бирикмасидаги урғуларға ўхшаб тенг даражада урғу тушади. Масалан, *'arm-`chair*, *'icy-`cold*, *'grass-`green* ва бошқалар.

Юқорида келтирилган инглиз тилидаги кўшма сўзларға тушадиган урғулар борасидаги фикрларға хос маълумсўзлар ни бошқа адабиётларда ҳам учратамиз. Масалан, “A University Grammar of English” китоби авторлари “Compounds” бўлимида шундай маълумсўзлар ни баён этишади. “In contrast to noun phrases like *a black-bird*, corresponding compound nouns are generally stressed on the first element but with a strong secondary stress on the second element: *'black ,bird*                      *'black , board*    *'green , fly*  
*Earth, quake*                      *'waiting, room*    *'fire-ex, tinguisher”*.

Бу авторнинг баён этган фикрларидан ҳам кўшма сўзнинг биринчи компонентига тушаётган урғу алоҳида таъкид этилапти ва сўз бирикмасига

тушадиган урғулар ҳолатидан фарқини кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Бирок шундай бўлсада “A Course in Modern English Lexicology” китоби авторлари бу йўл билан доим ҳам қўшма сўз ва сўз бирикмалари орасида чегарани аниқлашнинг уддасидан чиқиб бўлмаслигини айтишади, яъни: “The significance of the stress pattern by itself should not be overestimated though, as it can not be an overall criterion and cannot always serve as a sufficient clue to draw a line of distinction between compound words and phrases”.

Блумфильд инглиз тилида қўшма сўзлар компонентларининг биринчи қисми урғу олиши билан характерланишини айтиб, баъзилари эса қоидадан мустасно ҳолда икки урғуга, яъни ҳар бир компонентга алоҳида тенг урғу тушишини айтади. Бир урғули қўшма сўз компонентларининг асосан аниқловчи қисмига урғу тушади, аниқланмиш қисмига эса кучсиз урғу тушуши билан характерланади. Қоидага мустасно ҳолда ажралиб турувчи қўшма сўзларга у қуйидаги мисолларни келтиради: “The only exceptions as far as compound nouns are concerned is found in nouns whose first elements are all- and self-, e.g. ‘All-‘Fools-Day, ‘self-con ‘trol, these show double stress”<sup>1</sup>.

Инглиз тилидаги қўшма сўзнинг имлоси ҳақида О.Д. Мешков шундай ёзади: “Всякому, кто хотя бы поверхностно знаком с современными периодическими изданиями стран английского языка хорошо известнее тот разнабой, который царить в написании ряда лексических единиц. Одни и те же единицы, под час в одном и том же номере газете или журнала могут писаться по разному: раздельно, через дефис, слитно».<sup>2</sup> Демак, авторнинг фикридан маълум бўлишича, инглиз тилидаги қўшма сўзларинг имлоси ҳам жиддий ёндашувни талаб қилар экан. Инглиз тилида орфографик жихатдан шуниси ахамиятлики, баъзи сўз ясалиш жараёнида нозик жихатлари мавжуд, яъни агар *to breakthrough* каби сўзлар от бўлиб келганда, улар қўшиб ёзилади *a breakthrough*.

<sup>1</sup> “Сўзлар нинг биринчи элементи all- ва stlf- лардан ташкил топган турлари бундан мустасно. Масалан: “All-Fools-Day, ‘self-con ‘trol, булар қўш урғуни ўзида намоён қилади.” (L. Bloomfield, Language. N. Y., 1983)  
<sup>2</sup> А.Н. Кононов. Грамматика современного узбекского литературного языка. Изд. Академии наук. Москва-Ленинград, 1960., 55-бет.

Предикативлик ва атрибутивлик функцияларда қўшма сўзлар доим қўшилиб ёки дефис орқали ёзилади. Бу ҳақда И. Патриж ҳам “Usage and abusage” китобининг “Hyphnation” бўлимида шундай ёзади: “In the life of compound words there are three stages: (1) two separate words (cat bird); (2) a hyphenated compound (cat bird); (3) a single word (catbird)”<sup>1</sup>. Юқоридаги қарашлар инглиз тилшунослигида қўшма сўзларнинг орфографик белгилари ҳақидаги олимларнинг баъзи билдирилган фикрларидир.

Инглиз тилининг изоҳли луғатларида бошқа лексик birlikлар қатори қўшма сўзлар ҳам (транскрипция орқали) аниқ ва тушунарли бериб ўтилган. Агар инглиз тилидаги баъзи сўзларга эътиборни жалб қилсак, унда шундай ҳолатни кузатиш мумкин, яъни “A Course in Modern English Lexicology” китобининг “Meaning” бўлимида полисемантик (кўп маъноли) ифодаси ва шаклланиши ҳақида кўрсатмоқчимиз. Яъни инглиз тилида *board* полисемантик сўзи билан *chess-board* (*шахмат доскаси*), *notice-board* (*эълон тахтаси*), *key-board* (*клавиш (компьютерда)*) ва *cartboard* (*картон*). Шаклан ўхшаш томони охириги компонентнинг иккинчи қисми бўлиб, *card* сўзи билан қўшилиб ёзилган мисолда кўриш мумкин. Юқоридаги мисолларда кўриб ўтганимиздек, *board* сўзи бошқа сўзлар билан чизикча (дефис) орқали қўшиб ёзилган. Бу ҳам инглиз тилининг қўшма сўзлар имлосида ўзига хос характери хисобланади. Яна инглиз тилидаги қўшма сўзлар борасида инглиз тилшуноси А.Фолке шундай ёзади: “Compound adjectives, like compound nouns, may be solid or hyphenated or compound adjectives from separate-word to solid word form occurs slowly but surely as the given word unit establishes itself more firmly. Farsighted was once Far sighted. In time boy crazy very likely will be boycrazy”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> “Мавжуд қўшма сўзларнинг уч босқичдаги кўринишини кузатиш мумкин: 1) икки ажратиб ёзилган сўз (catbird); 2) чизикча билан ёзилган сўз (cat-bird); 3) қўшиб ёзилган сўз (catbird)”. (Patridge E., The World of Words, London, 1948)

<sup>2</sup> “Қўшма сифатлар ҳам, қўшма сўзлар каби қисмлари ёки қўшилиб ё чизикча билан ёзилади, ёки farsighted сўзи бир вақтлар Far sighted бўлганидек мустақил сўзларнинг қўшилишидан мустақам ажралмас сўз сифатида шакланган. Вақтлар ўтиши билан boy crazy сўзи ҳам boycrazy сифатида шаклланиши мумкин”. (Foulke. A English for everyone. N. Y., 1969).



Инглиз тилидаги қўшма сўзлар имлосининг чалкашликлари борлигини ҳам баъзи адабиётларда келтирилган маълумсўзлар дан билиш мумкин. Уларда ҳам баъзан қўшма сўзларнинг маълум типларида лексик birlikлар билан фарқлаш қийинлиги ҳақида айтилади. Бироқ инглиз тилида қўшма сўзларнинг ҳар иккала типи ҳам маҳсулдор бўлишига қарамай, уларни тўла ўрганилмаганлиги айтилади. Масалан: *war-time*, *money-lender*, *blood-poisoning*, *underland*, *insofar* ва бошқалар. Инглиз тилида от билан отдан ташкил топган сўзларнинг ҳаммаси бир қоидага бўйсунган ҳолда ёзилмайди. Баъзилари қўшилиб, баъзилари чизикча билан ёзилади. (n2-n1) *windmill*, *steamboat*, *sunrise*, *dogbity* типдаги сўзлар қўшиб ёзилади. Бундай типдаги сўзлар семантик муносабатига кўра “*instrumental or agentive relations*” деб фарқланади. Инглиз тилида сон билан отдан ташкил топган қўшма сўзлар айни шу қоидада икки хил ёзилади: *foureyes*, *threepenny*, кабилар қўшиб ёзилса; *six-pack*, *six-pence*, *four-wheel drive*, *four-poster* кабилар чизикча (дефис) орқали ёзилади. Инглиз тилида *Yellowstone*, *Hollywood*, *Portsmouth* кабилар тўғри келиши мумкин. “Reduplicative compounds” дейиладиган шакл кузатилади. Яъни: *Goody-goody*, *fifty-fifty*, *hush-hush* каби. Зеро, инглиз тилида ҳам қўшма сўзлар ўз таркибига юқоридаги мисолларга берилган сўзлар сингари баъзи аффиксларни олса-да, бироқ ёзилиш жихатдан фарқ қилади, масалан: [n+(v+ -er)]=*rocket-flyer*, *shoe-maker*, *bottle –opener* кабилар. Кўриб ўтганимиздек, бу мисолларнинг ҳаммасида сўзлар чизикча билан ёзилаяпти. Инглиз тилида сифат ва отдан ясалган қўшма сифатлар ҳам чизикча билан ёзилади ва уларга +*ed* қўшимчаси қўшилади. *Law-ceilinged*, *long-legged* ва ҳоказо. Баъзи мураккаб сонлар қўшиб баъзи мураккаб сонлар ажратиб ёзилади: *fifteen*, *eleven* ва ўн бирдан то ўн тўққиз сонигача бўлган сонларга -*teen* қўшимчасини қўшиш орқали мураккаб сонлар ифода этилади.

Ажратиб ёзиладиганларни йигирма сонидан кейинги рақамларда кузатиш мумкин: *twenty one, twenty six, forty five, fifty six, eighty nine, ninty seven каби*.

Агар инглиз тилидаги қўшма сўзлар таркибига кирувчи қуйидаги “Reduplicative” қўшма сўзларни, яъни : *fifty-fifty, hush-hush, pooph-poooh* лар кўринишидан жуфт сўзларга ўхшайди. Балким, уларни биз қўшма сўзларнинг бир тури деб ҳам қарашимиз ҳам мумкин. Инглиз тилида яна *chit-chat, zig-zag, sing-song, clap-trap* ва шу кабилар қўшма сўзлар бўлиб, улар “phonically variated rhythmic twin forms” дейилади. Демак, кўриниб турибдики, орфографик белгилар ҳам қўшма сўзларни фарқлашда маълум даражада муҳим аҳамият касб этади.

Қўшма сўзнинг яхлитлиги ва унинг компонентларининг ажралмас бутун қисмидан иборат эканлиги, яъни унинг элементлари орасида бирор сўз ёки сўз бирикмасини қўйиш мумкин эмаслиги қуйидаги мисолда яққол кўринади: *sunbeam (қуёш нури) сўзини* олсак, артикль билан от орасига бошқа сўзларни қўямиз, масалан: *a bright sunbeam; a bright and unexpected sunbeam* чунки “а” артикли алоҳида сўз ҳисобланади. Аммо *sun ва beam* лар алоҳида-алоҳида сўзлар эмас, балки морфемалардир. Шунинг учун буларнинг орасига қўшиб бўлмайди.

Қўшма сўз структураси ифодаланишида унинг уч хил типдаги муносабатини ажрата билиш керак бўлади, яъни қисмларнинг ўзаро муносабати, қўшма сўз ва унинг компонентлари билан муносабати ва ниҳоят, эркин сўз бирикмалари эквивалентлари билан ўхшаш жихатлари.

Баъзи қўшма сўзлар аниқловчи ва аниқланмиш қис млардан иборат бўлади ва улар аниқловчи аниқланмиш деб аталади.

Юқорида берилган мисолимизда қўшма сўзнинг иккинчи *beam(нур)* қисми асос қисми бўлиб уни биз аниқланмиш деб олдик. Аниқловчи қисми эса *sun(қуёш)* бўлиб, у иккинчи яъни *beam (нур)* ни бошқа *beam(нур)* сўзларидан фарқлаяпти.

Қўшма сўз компонентларининг бирикиши сўз бирикмасидаги сўзларнинг қўшилишидан фарқ қилади. Қўшма сўз компонентларининг жойлашиши тартиби ҳам сўз бирикмасидаги сўзлар тартибидан фарқ қилади. Қўмакчи элементларнинг бор-йўқлиги ҳамда синтактик муносабатларнинг характерлари каби хусусиятлари фарқланади.

Ҳар бир тилда сўз бирикмасининг ўзига хос маълум бир кўриниш модели мавжуд бўлиб, агарда алоҳида кўрилатган кетма кет келган сўзлар ўша қолипдаги сўз бирикмасига мос келмаса, демак, уни қўшма сўз таркибига киритилади. Масалан, инглиз, рус ва кўплаб бошқа тилларда туб сонлар предмет миқдорини аниқлаб кела олмайди: *10.000-strong (намоиш)* шунинг учун ҳам буларни қўшма сўзлар таркибига киритилади. Бироқ ҳар қандай сўз бирикмаси қолипига мос келадиган кетма-кет келган сўзлар қўшма сўз бўла олмайди. Масалан, сифат-от каби кўплаб кўринишлар сўз бирикмаси учун типик ҳисобланади.

Баъзи қўшма сўзлар типиди яхлит шаклини кўрсатувчи омил бўлиб (сўз бирикмасига нисбатан орлганда) компонентларнинг алмашган ҳолда жойлашуви хизмат қилиши мумкин. Бу нарсани асосан иккинчи компоненти сифат ёки равиш билан ифодаланган қўшилмалаврда кузатиш мумкин: *oil-rich, man-made*. Бироқ шундай белги учун фраза қўшма сўзлар деб аталувчи ҳолатлар мустаснодир. Масалан: *good-for-nothing, pie-in-the-sky*. Қўшма сўз компонентлари мустақил синтактик алоқага кириша олмайди. Сўз бирикмасида эса (*a factory*) *financed by the government* сингари сўзларнинг ҳар иккаласи ҳам мустақил ҳолда тўла аниқланиши мумкин: *a factory generously financed by the British government*.

Идеомаларда яққол фарқланиб турувчи қўшма сўзларда сўзлар маънолари жиҳатидан бир-бирига қўшилиб яхлит, бир объектни бевосита равишда янги бир маъносини пайдо қилади.

*Spaceman* (космонавт), *spacescraft* (фазо кемаси) қўшма сўзлари *aircraft*(ҳаво кемаси) қўшма сўзининг моделига мос равишда қурилган. Семантик жиҳатдан қўшма сўзда баъзан идиомага хос хусусиятларини ҳам

кузатиш мумкин, яъни кўшма сўзнинг яхлит маъноси унинг элементлари маъноларидан фарқ қилади. Қўшма сўз баъзан маъноси жихатидан маълум синтактик гуруҳдан ажралиб туради. Шундай қилиб, *a blackboard* (ёзув тахта, синф доқаси) *a black board* (қора қандайдир доқса)дан фарқ қилади.

Шундай қилиб, идиоматик кўшма сўзнинг асосини қайта шакллантириш мумкин: *backleg*(шум қадам), *strike-breaker* (намойишни бузувчи), *blackmail* (қора хат), *bluestocking* (адабиётга ва ўқишга берилган аёл). Қўшма сўзнинг қисмлари орасидаги семантик алоқаларни таҳлил қилиш анча мураккаб. Баъзи адабиётларда кўшма сўзларнинг синтактик муносабатини ифодалашда ва семантик алоқаларни белгилашда кўп авторлар хато фикрлар юритишлари айтилади<sup>4</sup>.

Кўп ўринларда кўшма сўзлар қисмлари орасидаги алоқалар чегараланган бўлади ва бу каби чегараланган типлари катта фарқни кўрсатади: *house-keeping* (уй тутуш) *to keep house*, *well-being* (соғ-саломатлик) *to be well*.

Кўшма сўзларнинг структураси бўйича уч хил тамойилни кўриб ўтдик, яъни кўшма сўз элементларининг ўзаро алоқалари, яхлит кўшма сўзнинг компонентлари билан алоқаси ва кўшма сўзларнинг фразалар билан айнан ўхшаш морфемаларидир. Демак, хозирги инглиз тили грамматикаси таркибида мавжуд бўлган кўшма сўзлар синтактик кўшма сўзлар деб аталар экан. Яъни: *seashore* (сўҳил, денгиз бўйи). Ва аксинча асинтактик деб ҳам аташ мумкин: *baby-sitting*(энагалик қилмоқ). Бу кўшма сўзларнинг иккала қисми ҳам аниқловчи ва аниқланмишдан иборат ва бундай кўшма сўзларни “endocentric” кўшма сўзлар дейилади. Марчанд эса бундай сўзларни “ноль-зеро” аниқловчи ўзаклар деб ҳисоблайди.

Инглиз тилида кўшма сўзларнинг ясалишида яна бир муҳим унсурлардан бири бу атрибутив синтактик функция бўлиб, у фразанинг структурали кўшилиши ва унинг кўшма сўзга айланишида муҳим рол

---

<sup>4</sup> И.В. Арнольд. Лексикология современного английского языка. Москва «выс. шк.» 1983

ўйнаши кузатилади, масалан: *We`ve done last-minute changes before* ва айни шунга ўхшаш комбинация эркин фраза сифатида равишдош функциясида келади. *We changed it at the last minute more than once* (*биз охириги дақиқада уни бир неча бор ўзгарттирдик*). Комбинация учун одатда характерли бўлмаган бошқа синтактик функциялар ҳам структурал қўшилишни таъмин этиш мумкин экан.

Жараён, кўпинча конверсия билан қўшилишда ҳам кузатилиши мумкин, бундай холларда чизиқча билан ажратиб ёзиш функцияси унчалик аниқ ва тушунарли бўлмайди. Шунга кўра, бу структурал қўшилиш эмас, балки синтактик алоқаларни кўрсатишда хизмат қилади деб эътироз билдириши ҳам мумкин.

Ундай ҳолда эса, бу сўз ясовчи эмас, балки фраза ясовчи қисм деб қаралиши кераклиги таъкидланади.

А. Блумфильд шундай ёзади: “Фраза сўзнинг бирор қисмидан бўлмаган (қисм) алоҳида қисмдан ташкил топиши мумкин”. Масалан, бунга шундай мисолни келтириш маъқул (z) эгалик қўшимчаси. *The man I saw yesterday`s daughter*. Бу каби (қисм) фраза ясовчидир.

*...for the I don`t know-how-many time*.

**Қўшма сўзлар классификацияси.** Қўшма сўз турлари қанча кўп бўлса, уларнинг таснифлари ҳам шунча мураккаб характерга эга бўлади. Қўшма сўзларнинг тузилиш турлари, боғловчи элементлари сўз туркумларига ва структурасига кўра фарқланади:

- 1) семантик;
- 2) *motivated*(умумий маъноси қисмлари), *partially motivated*(умумий маъносини қисман чиқарса бўладиган), *non-motivated*(умумий маъносини қисмлари маъносидан чиқариб бўлмайдиган);
- 3) идеоматик каби қўшма сўзлар қисмлари маъносига кўра бевосита ёки фигурал бўлади.

Структура жиҳатдан эса *endocentric*, *exocentric* ва *bahuvrihi* гуруҳи бўйича синтактик ва асинтетик қўшма сўзлар фарқланади. Синтактик фраза

турига мувофиқ бўлган қўшма сўзлар классификацияси тасниф этилади. Ҳатто, баъзи аралаш турлари мавжуд бўлиб, бундай турга мос тушмаслиги ҳам мумкин, яъни улар фраза қўшма сўзлар, редупликатив қўшма сўзлар, сохта ясама қўшма сўзлар, такрор қўшма сўзлар кўринишларида бўлиши мумкин.

Композиция турига кўра тасниф қилинганида қуйидаги гуруҳлар фарқланади:

- 1) кўп учрайдиган тури элементлари ўзаро боғлангани ҳолда яққол кўзга ташланади, масалан: *heartache(om) heartbeat(om); heart-break(om) heart-breaking(cuфam);*
- 2) Унли ёки ундошларнинг боғланиш вақтидаги иштироки билан: *electromotive(cuфam) speedo meter(om) Afro-Asian(cuфam) handicraft(om) statesman(om);*
- 3) Предлог ёки боғловчи негиз иштирокига кўра ясаладиган қўшма сўзлар ҳамда лексикализациялашган фразалар ҳам мавжуд, яъни: *down-and-out, son-in-law, matter-of-fact, pepper-and-solt; devil-may-care, forget-me-not, stick-in-the...*

Қўшма сўзларнинг структурасига кўра бевосита таркибий қисмлари қуйидагича фарқланади:

- 1) қўшма сўзлар туб (содда) негизлардан иборат бўлади: *film-star;*
- 2) қўшма сўзларнинг қисмларининг камида биттаси ясама негиз бўлади: *chain-smoker;*
- 3) қўшма сўз таркимбий қисмларининг бири халқа негиз бўлади: *maths-mistress(Британияда) ва math-mistress(Америкада) “математика ўқитувчи аёл”* ва кичик гуруҳларга бўлинадиган қисқартирма-аббревиатура шаклдаги *H-bag(handbag) ёки X mas (Christ-mas)* кабилар ҳам учрайди, аммо биринчи мисолда келтирилган сўз эса “Субстандарт” ҳисобланади.
- 4) Қўшма сўз таркибий қисмларининг бири қўшма негиз бўлади *wastepaper-basket.*

Шундай қилиб биз инглиз тилидаги қўшма сўзларнинг илмий адабиётлардаги таҳлилини кўриб чиқдик.

## **1.2 Ўзбек тилидаги қўшма сўзларга бағишланган илмий адабиётларнинг таҳлили**

Сўзларнинг ясалиши турли тилларда ўзига хос қонун-қоидалар асосида турлича шаклланади. Шунга кўра сўзларнинг ясалиши, жумладан қўшма сўзларнинг шаклланиши масаласининг мураккаб томонларини ўрганиш, илмий изланишлар олиб бориш натижалари ҳам ҳар хилдир.

Қўшма сўзлар борасида ўзбек тилида ҳам кўп тилшунос олимлар ўз ишларини уларнинг турли жиҳатларини ўрганишга бағишлаганлар. Масалан, ўзбек тилшунос олимлардан қўшма сўзлар борасида иш олиб борган олимлар А.Хожиёв<sup>1</sup>, Б.Мадалиёв<sup>2</sup>, Н.Маматов<sup>3</sup>, Н.Абдурахмонов<sup>4</sup> катта ҳисса қўшишган<sup>5</sup>. Ушбу номи зикр этилган олимлар ўзбек тилшунослигида қўшма сўзларнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиб тил луғат бойлигида қандай ўрин тутишини кўрсатиб беришга ҳаракат қилганлар.

Қўшма сўзларнинг фонетик, график, структурал ва бошқа томонларини таҳлил қилиб, тилдаги бошқа бирликлардан фарқли томонларини ёритишга ҳаракат қилишган. Булардан ташқари яна С.Акбаров<sup>5</sup>, А.Ғуломов<sup>6</sup>, Э.Бегматов<sup>7</sup>, Б.Мадалиёвлар<sup>8</sup> ҳам қўшма сўзларнинг турли жиҳатларини ўрганишган.

Қўшма сўзларнинг ҳар иккала турида ҳам алоҳида ўрганиб чиқилган томонлари кейинги қилинадиган ишлар учун назарий ва амалий жиҳатдан имкониятлар яратилди. Яъни тилшунос олимларнинг “қўшма сўз” термини ҳақидаги қарашлари, сўз бирикмалар билан ўхшаш ва фарқли

---

<sup>1</sup> Хожиёв А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. Тошкент, 1963, 144 б

<sup>2</sup> Мадалиёв Б. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сўзлар. Тошкент, 1966, 188 б

<sup>3</sup> Маматов Н. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. Тошкент, 1982, 293 б

<sup>4</sup> Абдурахмонов Н. Ўзбек тилида жуфт сўзлар. Самарқанд 1969, 87 б

<sup>5</sup> Акбаров С. Ўзбек тилида қўшма феъллар. Ўз ССР Фанлар Академияси нашриёти. Тошкент, 1953.

<sup>6</sup> Ғуломов А.Ғ. феъл... Тошкент, Ўз ФА нашриёти 1953.

<sup>7</sup> Бегматов.Э. Ҳозирги ўзбек адабиётининг лексик қатламлари. Тошкент, Ўз ФА нашриёти 1985.

<sup>8</sup> .Мадалиёв Б. Юқориджаги асар.

томонлари хақидаги мулохазалари кўшма сўзлар назариясининг яратилишида катта аҳамиятга эга.

Ўзбек тилида кўшма сўзлар бўйича қилинган ишларда ўзбек тилшуносларидан ташқари “ўзбек тили грамматикаси масалалари”ни ўрганган академик А.Н.Кононов<sup>9</sup>, профессор В.В.Решетов<sup>10</sup>, каби рус олимларининг ишлари ҳам аҳамиятлидир<sup>6</sup>.

Бу олимлар ўзбек ва рус тилларининг турли соҳаларини қиёслаб ўрганиш орқали тилдаги кўплаб ходисаларни ёритиб беришган. Жумладан, турли сўз туркумларида кўшма сўзларни шаклланишини ўрганишган. Кейинги йилларда инглиз ва ўзбек тилларини қиёслаб ўрганишда ўзининг салмоқли хиссасини қўшган тилшунос олим Ж.Б.Бўроновнинг олиб борган тадқиқсўзлари инглиз ва ўзбек тилларининг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонларини кенг маънода ёритиб беришда қилинган ишларнинг биридир.

Юқорида кўриб ўтилганидек, кўшма сўзлар борасида ҳар иккала тилларда қиёслаб ўрганилаётган тилларда ҳам, кўп ишлар қилинган ва олимлар ўзига хос фикр ва мулохазаларини баён этишган. Масалан, ўзбек тилида кўшма сўзларнинг ясалиши хақида А.Хожиев шундай фикр билдиради: “кўшма сўз деганда, кўш сўз ёки бирдан ортиқ сўз эмас балки бирдан ортиқ негиздан ташкил топган бир сўз назарда тутилади: тоғолча, носқовок, токилон, мош ранг, содда дил каби”. А.Хожиев ўзбек тилидаги кўшма сўзларга ўз муносабатини билдирар экан уни нафақат ўзбек тилида балки туркологияда кам ўрганилган масалалардан бири эканлиги хақида айтади. Қолаверса, кўшма сўзлар борасида қилинган ишлар борасида кўшма сўзнинг ўзига хос хусусиятлари уларнинг содда сўз ва сўз бирикмаларидан фарқи тўла очиб берилмаганлиги хақида ёзади. А.Хожиев энг аввал кўшма сўзлар хақида адабиётларда пайдо бўлган

---

<sup>6</sup> Кононов А.Н. грамматика современного узбекского литературного языка. Академ наук СССР. Москва. Ленинград 1960.

Решетов В.В. Современный узбекский язык (Элементы фонетики, морфологии и синтаксиса) Тошкент, 1946.



фикрларнинг турлилиги уларнинг содда сўз, сўз бирикмалари, жуфт ва такрор сўзлар, қисқартирма сўзлар билан чалкаштиришлар мавжудлиги ҳақида айтиб, бундай ҳар ҳилликларини сабабини шундай кўрсатади: “Бизнингча, “қўшма сўз “ термини турлича тушуниш натижасида келиб чиққан”<sup>7</sup>.

Демак, туркалогик илмий адабиётларда қўшма сўз термини турли ходисаларга нисбатан ҳар ҳил қилинар экан. Бироқ А.Ҳожиёв “қўшма сўз” термини фақат бирдан ортиқ негиздан ташкил топган аччиқтош, билакузук, бирдамлик, ижодбахш, ҳушмуомила, сотиб олмоқ, олиб келмоқ, ҳар қачон, ҳар бир, ҳеч кимса, ҳеч қаерда каби сўзларга нисбатан қўлланилгани мақул”<sup>2</sup> дейди. Дарҳақиқат, қўшма сўзларни ўрганишда энг аввал қўшма сўзнинг назарияси яратилиши керак бўлади, айниқса бошқа тиллар билан қиёслаб ўрганишда бу жуда муҳимдир. Ўзбек тилшуносларининг ўзбек тилида қилган назарий ишлари бу борада маҳсулдор омил бўлиб хизмат қилади.

А.Ҳожиёв кейинги ишларида ҳам қўшма сўз термини ҳақида, аниқроғи, ўзининг “тилшунослик терминларининг изоғли луғати” да шундай таъриф беради, яъни: “Қўшма сўз – таркибида бирдан ортиқ луғавий маъноли қисм бўлган сўз: *белбоғ, отқулоқ, гултожихўроз эркесвар, киноопарат, ишлаб чиқариш* каби”<sup>3</sup> . Ҳозирги кунда ҳам қарийб турли соҳага оид адабиётларнинг барчасида ўзбек тилларининг тил луғат таркибида қўшма сўзларнинг анчагина миқдорини ташкил қилишини кузатиш мумкин.

Ўзбек тилшунос олимлардан кўплари қўшма сўзларнинг ясалиши ҳақида ҳам бир қатор ишларида ўз муносабатларини билдириб ўтишган, масалан У. Турсонов, Ж.Мухторов, Ш. Рахматуллаевлар биргаликда ёзган

---

<sup>1</sup> А.Ҳожиёв. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. Ўз.. Фан. Тошкент 1963й.

<sup>2</sup> Рахматуллаев Ш. , Ҳожиёв А. Қўшма сўзларнинг имло луғати. Т., “Ўрта ва олий мактаб” 1961й, 526.

<sup>3</sup> А. Ҳожиёв тилшунослик терминларининг изоғли луғати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти, 2002й

<sup>4</sup> Турсонов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўзбекистон. 1992.

“Хозирга ўзбек адабий тили” китобида кўшма сўзлар асосан композиция усули билан сўз яшаш дейилади. *Аччиқтош, бешариқ, қорақурт* кабилар”.

Яна бошқа муаллифлар ҳам ўзбек тилида кўшма сўзлар ясалиши хақида ўзларининг фикрларини баён этишган. Абдурахмонов Х, Рафиев А, Шодмонқулов Д.лар “Ўзбек тилининг амалий грамматикаси” китобида шундай ёзиладилар<sup>8</sup>: “Икки ва ундан ортиқ ўзакнинг кўшиливидан ҳам янги сўз кўшма ва қискартирма (от) сўзлар ҳосил бўлади. *Қўлқоп, бешиктерватар, ўқиб бермоқ, йигирма олти, темир йўл, ижроқўм, телеминора* каби”.

Ўзбек ва рус тилларининг баъзи жихатлари қиёсланган баъзи ишларда ҳам ўзбек тилидаги кўшма сўзлар қандай хусусиятларга эгаллиги баён этилган. Ш.Рахматуллаев “Ўзбек ва рус тилларини қиёслаш”<sup>2</sup> китобида шундай маълумот беради: “Ўзбек тилида кўшма лексемаларнинг қисмлари орасида туташтирувчи товуш бўлмайди, чунки кўшма лексеманинг биринчи қисм одатда сўз шаклига тенг бўлади *оқуруғ (қовун уруғи) каттақўрғон (узум уруғи)* каби. Рус тилида ва ўзбек тилида кўшма лексемаларнинг бошқача турлари ҳам бор *сорвиголова, гурскетти (қовун тури)* каби”. Бирок, баъзи авторларнинг ўзбек тилидаги кўшма сўзлар борасидаги ўзига хос фикрларини баёни учратишимиз мумкин. Масалан, «сопоставительная грамматика русского и узбекского языков»<sup>3</sup> китобининг муаллифи А.Азизов шундай ёзади: “В узбекском языке словосложение также играет большую роль в образовании имён существительных. Многие сложные слова образуется путём простого сложения двух слов: *ош(еда)+қозон(котёл)=ошқозон(желудок), кўз(глаз)+ойнак(стекло)=кўзойнак(очки)*.”

---

<sup>8</sup> Абдурахмонов Х, Рафиев А, Шодмонқулов Д. Ўзбек тилининг амалий грамматикаси. “Ўқитувчи” Тошкент., 1992 й.

<sup>2</sup> Рахматуллаев Ш. Ўзбек ва рус тилларини қиёслаш. “Ўзбекистон” Тошкент 1993 й.

<sup>3</sup> Азизов.А.А. «сопоставительная грамматика русского и узбекского языков» (морфология) «Ўқитувчи” 1983 й, 235 бет.

<sup>4</sup> А.Хожиев. Ўзбек тилида кўшма,жуфт ва такрорий сўзлар. Ўз.. Фан. Тошкент 1963й.

А.Хожиев қўшма сўзларнинг ясалиши ҳақида шундай ёзади: “Қўшма сўзлар мавжуд грамматик адабиётларда “композиция усули билан ясалган сўзлар ёки синтактик усул билан ясалган қўшма сўзлар” деб таърифланади” дейди.

А.Хожиев композиция ва синтактик усуллар билан қўшма сўзлар ясалиши борасида ўзининг муносабатини қуйидагича билдиради яъни: “Тўғридан-тўғри икки сўзни олиб, ўзаро боғлаб, сўз ҳосил қилиш деб тушуниш ўзбек тили нуктаи назаридан тўғри бўлмайди ва сўзларнинг маълум грамматик қонун қоидалар асосида ўзаро алоҳида киришувидан эса ҳеч вақт қўшма сўз ҳосил бўлмайди, балки ҳамма вақт сўз бирикмаси ҳосил бўлади” дейди. Шунинг билан бирга қўшма сўзларнинг ясалиши жихатларида сўз бирикмалари тил тараққиётининг жараёнида маълум даврлар ўтиши билан семантик, грамматик ва фонетик жихатдан бир бутун ҳолда келиши, яъни қўшма сўзга айланиши мумкинлиги айтилади<sup>1</sup>. *Даламудир, гулбеор, кўрсичқон, соф кўнгил* каби сўзлар бунга мисол қилиб келтирилади. Айрим ҳоллардагина тўғридан-тўғри сўз қўшиш йўли билан сўз яшаш ҳақида гапириш мумкинлиги айтилади ва бундай ҳодиса, асосан, янги ясалишларда, калькаланиш йўли билан бўлган ўзгаришларда кўриниши баён этилади. Ўзбек тилида қўшма сўзларнинг ясалиши вужудга келишида, уч ҳолат назарда тутилиши тилшунос олим Ё.Тожиев томонидан алоҳида қайд этилади. Олимнинг фикрича қўшма сўзлар икки жараёнда бўладиган семантик, грамматик ва фонетик ўзгаришлар натижаси сифатида юзага келади: маъноларида ўзгариш бўлади, грамматик жихатдан ўзгариш бўлади(синтактик алоқа йўқолади), фонетик ўзгариш бўлади(товуш ўзгаради ёки урғу бирлашади)”<sup>9</sup>.

Демак, ўзбек тилида ҳам қўшма сўзни алоҳида лексик бирлик сифатида ўрганиш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб тилларнинг сўз ясалиши хусусиятларидан ва қўшма сўзнинг шаклланишида бошқа лексик бирликлар

---

<sup>9</sup> А.Хожиев. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. Ўз.. Фан. Тошкент 1963й. Хозирги ўзбек адабий тили грамматика. Т. Университет. 2000й. 3-7 бетлар.

билан қўшма сўзнинг турли ўзига хос муносабатларига кўра уни, яъни қўшма сўз ясалиши масаласини кўриб ўтишнинг ўзига хос босқичлари шаклланган.

Ўзбек тилшунослигида ўзига хос ёндашув, яъни энг аввал қўшма сўзнинг бошқа лексик бирликларидан фарқини аниқлашга эътибор берилса инглиз тилида биринчи навбатда қўшма сўз дефинициясини аниқлаш ва қўшма сўзнинг яхлит шакл эканлигини кенгроқ ёритишга ҳаракат қилинади. Лекин ҳар иккала тилда ҳам қўшма сўзнинг бошқа лексик бирликлар билан муносабати ва алоҳида лексик бирлик сифатида аниқланиши борасидаги ишларининг аввали, яъни бошланғич масалаларини ҳал этишда уларнинг орасида унча катта фарқ сезилмайди. Ҳар икки тилда ҳам тилшунослар, тадқиқотчилар энг аввал эътиборни қўшма сўзнинг назариясини яратиш учун унинг тушунчасини, асл моҳиятини ёритишга ҳаракат қилиш билан бирга бошқа тил бирликларидан фарқли ва ўхшаш томонлари, шаклланиш жараёнларига эътибор беришади. Кейинги босқичларни эса ишимиз давомида кўриб ўтаемиз.

Қўшма сўз тушунчаси грамматика, лексикология каби соҳаларга алоқадордир. У тилнинг ўзига хос жихатини ёритиб, кўп тиллар учун хос бўлган умумийликка зид турувчи хусусийлик, миллийлик хусусиятларини кўрсатиб турувчи бир тилни иккинчи тилдан фарқловчи омиллардан ҳамдир. Бу борада Срезневский шундай деб ёзади: “в сложении слов и в образовании выражений всего более, всего разнообразнее высказывается зиждетельная сила каждого языка». Қўшма сўзларнинг барча жихатларини ўрганиш анча мураккабдир, чунки у муаммоларнинг катта комплексини ўрганиш билан боғлиқ ва унга тегишли ҳар бир масалани алоҳида ўрганиш ундан ҳам мураккабдир.

Қўшма сўз билан боғлиқ бўлган барча адабиётларда қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш мумкин: 1) қўшма сўзларнинг ўзига хос томони, идентификацияси, яхлитланиш масаласи, 2) қўшма сўзларнинг генезиси масаласи, 3) қўшма сўзларнинг тилдаги бошқа бирликлар билан, жумладан,

сўз бирикмалари билан муносабатлари масалалари, 4) кўшма сўз компонентларининг ўзаро алоқалари, 5) кўшма сўзнинг маъноси масаласи, 6) кўшма сўзнинг тилдаги морфологик ва синтактик тузилиши масаласи, 7) кўшма сўзнинг миллийлик спецификацияси масаласи, 8) кўшма сўзнинг классификацияси масаласи. Бу барча масалалар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва ҳамда тилшуносликнинг умумий ва алоҳида масалалари билан ҳам боғлиқ бўлиб, ҳатто ўша масалаларнинг ҳар бирининг ўзида ҳам алоҳида ўзига хос аммо муҳим бўлган масалалар мавжуддир.

Демак, морфологик нуқтаи назаридан ёндашилса, ҳар қандай икки ва ундан ортиқ бутун маъноларга эга бўлган асослардан ташкил топган бирлик кўшма сўз ҳисобланиши мумкин. Бироқ, сўз яшаш нуқтаи назари бўйича эса, икки асосдан ясалган сўз кўшиш орқали ясалиш натижасими ёки бўлмаса, бошқа бир сўз яшаш жараёнининг маҳсули эканлиги муҳимдир. Шуниси равшанки, сўз яшашнинг назарияси ва амалиёти учун лексик бирликни таҳлил қилишда сўз яшаш жараёни характери аниқлаш муҳимдир. Агар лексик бирликнинг ижтимоий аҳамияти ва мустақамлиги ва унинг такрорланиб туриши каби тушунчаларга таянадиган бўлсак, у ҳолда фақат луғат таркибида у ёки бу ҳолда мустақам ўрнашиб қолган ва нутқда такрорланиб турувчи лексик бирликлар сўз, яъни кўшма сўз мақомига эга бўлиб, нутқ жараёни вақтида шаклланиб ва шу пайтнинг ўзида яна ўзларининг, эркин сўз бирикмаси сингари мустақил қисмларга ажралиб кетадиган, потенциал деб аталувчи кўзлар кўшма сўз мақомига эга бўла олмас экан.

Бошқача ёндашганда ҳар қандай яхлит бирлик ҳатто у фақатгина бир ҳолат учун шаклланган бўлсада у кўшма сўз ёки сўз ҳисобланади. Айнан шу аснода кўшма сўз яхлитлигининг сўз ясалиши шаклланиши керак. Худди шу ўринда юқорида таъкидлаб ўтганимиздак кўшма сўзнинг яхлитлиги борасида ўзбек тилшунослигида ҳам, айниқса, кўшма сўзларнинг жуфт ва такрорий сўзлардан фарқланиши борасида фикрлар айтилади. Шу ўринда кўшма сўзларга берилган таърифлар мазмунидан келиб чиқилса, ўзбек тилида ҳам кўшма сўзга нисбатан шундай терминдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ

бўлар эди. Агар “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”<sup>1</sup> да яхлит сўзнинг асос маъноси “айрим қисмларга бўлинмаган; бутун, бир, бўлак” маъноларини ифодаласа, шакл сўзи бирор предметнинг ташқи кўриниши сиртки қиёфаси, формаси маъноларини берган ҳолда яхлит шакл атамасини худди ўзбек тилшунослигида ҳам қўшма сўзлар борасида қилинадиган ишларда шу каби терминни қўллаш масаласи қўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, шунга яқин бир фикрни ўзбек тилшуносларидан қўшма сўзга берган таърифи мазмуни мисолида ҳам кўриш мумкин, яъни Б. Мадалиев қўшма сўзларга қўйидагича таъриф беради<sup>10</sup>: “Икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро бирикувидан тузилиб, яхлит бир тушунча – маъно ифодаловчи сўзлар қўшма сўзлар саналади”. Бу таърифда келтирилган “яхлит” сўзи ҳам “яхлит шакл” сўзини ишлатиш махсулдор бўлиш мумкинлигига ишора қилади деб ўйлаймиз”. Демак, «Цельнооформлённость» яъни “яхлит шакл” ни яна ҳам кенгроқ тушуниш учун «Цельнооформлённость» яхлит шакл белгиларини ички(фонетик, морфологик, орфографик) ва ташқи(синтактик) қисмларга ажратиб таҳлил қилиш бу масалага янада ойдинлик киритиш мумкин.

Ўзбек тилида ҳам қўшма сўз компонентларига тушадиган урғунинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. А.Н. Кононовнинг “Грамматика современного узбекского литературного языка”<sup>3</sup> китобида “ударение” бўймида қўшма сўзлар урғуси бўйича қисман алоҳида ёндашиб ўтганини кўраимиз. У шундай ёзади: “При сочетании двух знаменательных слов, образующих сложное слова: *огайни’* (<*ога’+ини’*) *яхши кўрмоқ* (*яхшикўрмоқ*), *ҳаммалари кулиб юбордилар* (*кулибюбордилар*) в разговорном языке *редко*>*кулвордилар*) *олибсотар*” каби мисоллар билан намунада кўрсатиб ўтади.

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон СССР Ф.А. А.С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” С-Х. Москва “рус тили нашри”1981й 793-489бет.

Б.Мадалиев «Сложные слова в современном узбекском языке» Ташкент 1956.

Кононов А.Н. грамматика современного узбекского литературного языка. Академ наук СССР. Москва. Ленинград 1960.

Ўзбек тилида компонентларининг иккинчисига, яъни кўшма сўзнинг охирига урғу тушиши билан фарқланишининг гувоҳи бўламиз.

Ўзбек тилида кўшма сўзлар ҳақида келтирилган маълум сўзларда кўшма сўз компонентларининг, аввалда бериб ўтилган маълум сўзлардан фарқли ўларок, биринчи қисмига кучли урғу тушадиган турлари ҳақида ҳам гап боради. Масалан, А.Н. Кононов бу ҳақда шундай ёзади: “В сложных словах с первым компонентом *ҳар-* и *ҳеч* ударения падает на первый слог: *ҳар бир, ҳар хил, ҳар қанча, ҳар холда, ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч кимса*”.

Ўхшаш томони кўшма сўзлар компонентлари биринчи қисмига тушадиган урғулар мисолида деб билсак фарқли томонлари, ўзбек тилида урғу кўшма сўзлар компонентларининг иккинчи қисмига тушиши билан фарқланар экан.

Бироқ, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, тилшуносларнинг фикрларига кўра, юқорида кўриб ўтилган кўшма сўзларнинг фонологик критериялари барча ҳолларда ва барча кўшма сўзлар учун умумий критерий сифатида қўлланиши имкони йўқлиги ҳақида айтишади. Балки сўзларнинг маълум турлари учун қўллаш мумкинлиги таъкидланган.

Шундай бўлсада, бизнингча, бундай фонологик критерийлар ҳам тил лексик қатламида у ёки бу ҳолларда кўшма сўзни бошқа лексик birlikлардан фарқлашда бир омил сифатида қўлланилиши мумкин. Зеро, кўриб келинаётган маълумсўзлар нинг барчаси яхлит шаклини яхлитлашида урғуларнинг аҳамияти ҳам катта роль ўйнашини кўрсатади.

Шундай қилиб, ўз навбатида тил эгаси кўшилган лексик birlikнинг маъносини қандай қабул қилишиги боғлиқ, яъни компонентларнинг етарлича кўшилиб маъно яхлитлиги ҳолатида ёки аксинча, икки мустақил кетма-кет келган компонентларнинг маънолари орасидаги муносабат сақланганлиги ҳолатида. Худди шундай нарса ўзбек тилидаги *том орқа-томорқа, оқ тепа-оқтепа, янги йўл-янгийўл* кўринишларида ҳам содир бўлади. Икки синтактик муносабатдаги сўз кўшилиб кетиб, улар орасида яхлитлашиш содир бўлган синтактик муносабат йўқолган.

Масалан, А.Хожиев ўзбек тилида қўшма сўзлар имлоси хақида “Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар” китобининг “қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар имлоси хақида” қисмида ўзбек орфографиясида энг чалкаш ва тўла хал этилмаган масалалардан бўлиб келмоқда” дейди. Бунда тилшунос олим ўз фикрини асосан қўшма сўзларнинг қўшиб ёки алоҳида ажратиб ёзиш масаласида сўз юритади ва бу масаланинг асосий хал этилиши керак бўлган жиҳатларига ўзининг муносабатларини билдиради.

Қўшма сўзларнинг сўз бирикмаларидан осон фарқлаш мақсадида баъзи олимларнинг семантик белгига асосланиб қўшма сўзларни аксарият барча турини қўшиб ёзиш кераклигига ўзининг танқидий муносабатини билдириб у шундай ёзади: “қўшма сўзлар имлосида семантик белги асосга олинса, у ҳолда қўшма сўзларнинг барча турларини қўшиб ёзиш лозим бўлади. Чунки ҳар қандай қўшма сўз бир бутун маънони англатади”<sup>1</sup>.

Шу ўринда қўшма сўзларни тўла ҳолда ажратиб ёзиш борасида ҳам ўзининг фикрини қуйдагича баён этади: “Ўзбек орфографиясининг асосий қоидаларида, максимал қўшиб ёзишга қарама қарши ҳолда, қўшма сўзларни максимал даражада ажратиб ёзиш равон ўқишга, орфографиядаги бирликни таъминлашга ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам орфография қоидаларининг янги тўплами қўшма сўз ва сўз бирикмаларини мумкин қадар ажратиб ёзиш принципига амал қилиниши олға суради”<sup>2</sup>. А.Хожиев ушбу фикрлардан келиб чиққан ҳолда қўшма сўзларни “максимал ажратиб ёзиш” ёки “максимал қўшиб ёзиш” каби умумий қоидаларга асосланиб бўлмаслигини айтади.

Хуллас, ўзбек орфографиясида асосий камчиликлардан деб қуйдагилар айтиб ўтади:<sup>11</sup> 1)қўшма сўзларни тўла ҳолда қўшиб ёки ажратиб ёзиш масаланинг ечимини бермайди ва шунинг учун ҳар бир қўшма сўзнинг ўз ўрнида ва изчиллик билан фойдаланиш кераклиги айтилади. 2)бериб ўтилган

---

<sup>11</sup> А.Хожиев. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. Ўз.. Фан. Тошкент 1963 й. Юқоридаги китоб.



қоидалар ўзбек тилидаги қўшма сўзнинг турларига мос тушмаган ҳолда барча тур учун тадбиқ қилиб бўлмаслиги айтилади.

Бунинг сабабини шундай кўрсатади “Қўшма сўзларни қоидаларга киритиш имконияти тўла фойдаланилмаган ва мисол сифатида *сифат+от* типидagi қўшма сўзлар гоҳ қўшиб, гоҳ ажратиб ёзилмоқда”<sup>1</sup> дейди.

Имло луҳатларида ҳам масалан, *чаласавод* сўзи қўшилиб, *соф дил* сўзи ажратиб, *бошланг* сўзи қўшилиб, *оёқ яланг* сўзи ажратиб ёзилганлигини айтади. 3) Қўшма сўзларга берилган қоидалар тўғри бўлмаганлиги натижасида матбуотда қўшма сўзлар қоидадан ташқари ёзилаётганини айтиб шундай ёзади: “Қоидада иккинчи элементи *е, ё, ю, я*, билан бошланган сўзларни ажратиб ёзиш кўрсатилади. Луғатда эса, *болтаютар, бошланг* сўзлари қўшилиб ёзилган”<sup>2</sup>.

Умуман иккинчи компоненти *е, ё, ю, я*, харфлари билан бошланган қўшма сўзлар учун истисно беришни ортиқча деб биламиз. Қоидада *дотор, бўйин* ажратиб ёзилган, имло луғатида эса *қуш бўйин* қўшиб ёзилган ва ҳоказо. Бу ўринда орфографик қоидалар билан имло луғатининг бир китобда берилгани ҳам эслаб ўтиш лозим (1956 йилда нашр этилган “Имло луғати” назарда тутилади). 4) Орфография қоидаларининг “Қўшма сўзлар имлоси” бобида қўшма сўзлар билан сўз бирикмалари аралаштирилиб юборилади, бу ҳол қўшма сўзлар имло қоида­сига ортиқча пунктлар қўшишга олиб келади. Имло қоидаларида сўз бирикмаларининг тилга олишнинг ўзи тўғри эмас.

Шундай қилиб, ўзбек тилида ҳам қўшма ўзнинг имло қоидаларини белгилашда шу тилнинг хусусиятларидан келиб чиқиш лозимлиги юқоридаги фикрларидан кўриниб турибди, чунки ўзбек тилида қўшма сўзлар маълум яса­лиш типига эга бўлиши билан бирга қандай турдаги сўз бирикмаларидан келиб чиқишига қараб ҳам маълум гуруҳларга бўлинади. А.Ҳожи­ев “Қўшма сўзлар имлосини белгилашда уларнинг яса­лиши усулига қандай сўз

бирикмасидан келиб чиқанига асосланиш энг тўғри йўл бўлади деб ўйлаймиз” дейди<sup>12</sup>.

Ўзбек тилида сўзлар нинг баъзилари қаратқич – қаралмиш типигаги бирикмалардан келиб чиқан: *сочпопук, лампа ишиша, маккажўхори, олмақоқи, қовунполиз* каби қўшма сўзлар типига кирувчи сўзлар ё хаммаси ажратиб, ёки хаммаси қўшиб ёзилиши кераклиги таъкидланади.

Қўшма сўзлар имлосининг яна бир жиҳати кўриб ўтилади; *хушхабар, хушфеъл, хушёқмас, хушбичим, хушвақт, хушманзара* қўшма сўзларининг таркибида *хуш* сўзи қатнашган.

*Хуш* сўзининг қатнашуви билан ясалган қўшма сўзлар барчаси имлода бир қоидага киритилиши мумкинлиги айтилади.

Ўзбек тилида қўшма сўзларнинг икки ҳолатда ажратиб ёзиш мақсадга муфовиқлиги айтилади, яъни: 1) қўшма сўз компонентларининг ўзаро боғланиши ва қўшма сўзларнинг талаффузи қўшиб ёзишга имкон бермаган ҳолларда. Бунга мисол қилиб *от+феъл* турида (от ва феълдан) ясалган *қўл қўймоқ, қулоқ солмоқ* каби ва биринчи компоненти-(и) равишдош формасида бўлган *феъл-феъл* типигаги (бирдан ортиқ) феълдан ясалган *сотиб олмоқ, олиб кетмоқ* каби қўшма феълларни мисол қилиб келтириш мумкин. 2) қўшма сўзларни қўшиб ёзиш баъзан чалкашликларни келтириб чиқарса, бундай ҳолларда уларни ажратиб ёзиш лозим. Масалан, *ҳар* олмошининг бошқа сўзлар билан бирикувидан ҳосил бўлган *ҳар бир, ҳар ким, ҳар қачон* қўшма сўзларини *ҳарбир, ҳарким, ҳарқачон* каби қўшиб ёзиш мумкин эмас.

Лекин бундай сўзларни қўшиб ёзиш тавсия этилса, баъзи ҳолларда уларни ажратиб ёзиш лозим. Масалан, *ҳар* олмошининг бошқа сўзлар билан бирикувидан ҳосил бўлган *ҳар бир, ҳар хил, ҳар ким*.

*Ҳар қачон* қўшма сўзларини *ҳарбир, ҳарким, ҳарқачон* каби қўшиб ёзиш мумкин. Лекин бундай сўзларни қўшиб ёзиш тавсия этилса, баъзи ҳолларда

---

<sup>12</sup> А.Хожиев. Ўзбек тилида қўшма,жуфт ва такрорий сўзлар. Ўз.. Фан. Тошкент 1963 й.

<sup>2</sup> Юкоридаги асар.

<sup>3</sup> Юкоридаги асар 117 бет.

*ҳар* олмоши ёрдами билан ясалган *ҳар киши*, *ҳар томонга* каби сўз бирикмалари кўшма сўзлар билан аралаштирилиб юборилади “(....чунки ҳар ким ҳам кўшма сўзларни сўз бирикмасидан осонлик билан фарқлаб ола олади дея олмаймиз)”. Шу билан бирга, ўзбек тилида кўрсатиб ўтилган икки ҳолатдан бошқа ҳолларда кўшма сўзларни кўшиб ёзиш ҳар жихатдан мақсадга мувофиқлиги айтилиши билан бирга инглиз тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида жуфт ва такрорий сўзларни ҳам ўз навбатида кўшма сўзлардан фарқлашда дефис орқали ёзиш қоидаси мавжуд.

Демак, ҳар иккала тилда ҳам кўшма сўзларнинг орфография масаласи жиддий ёндошуви ва тўғри таҳлилни талаб қилар экан.

Ушбу фикрдан ҳам кўриниб турибдики, худди ўзбек тилида юқорида кўшма сўзларни сўз бирикмасидан ажрата олиш мақсадида, *ҳар* сўзининг бошқа сўзлар билан бирикувидан ҳосил бўладиган кўшма сўзларнинг имлосини алоҳида ўрганиб, маълум бир фарқлари кўрсатилгани каби, инглиз тилида ҳам кўшма сўзларни сўз бирикмасидан ажратиб турувчи структурал фонетик қонуниятлар асосида шаклланган, асосан кўп учрайдиган иккита тури, яъни кўшилиб ва дефис билан таъкидлаб ўтилган.

Демак, юқорида кўриб ўтилган фикрларга таянадиган бўлсак, инглиз ва ўзбек тилларида ҳам сўзларнинг кўшилиб ёзилиши кўшма сўзнинг белгиларидан деб ҳисобланган бир вақтда, баъзи сўзларнинг ажратиб ёзилиши уларнинг сўз бирикмаси деб қараш учун асос бўла олмайди.

Бошқача айтганда, сўз бирикмаси ҳисобланган бирликлар кўшиб ёзилиши ҳақида умуман гапириш мумкин эмас. Кўшма сўзларда эса бу ҳолат икки кўринишда учрайди. Бу нарса кўшма сўз қисмларининг яхлитланиш даражасига боғлиқ.

Шу ўринда, ўзбек тилшунослигида кўшма сўзларнинг имлоси ҳақидаги бир маълумотни кўриб ўтамиз. Ўзбек тилшунос олими А.Хожиев<sup>1</sup> ўзбек тилидаги кўшма сўзларнинг кўшиб ёзиладиган ва ажратиб ёзиладиган турларини қуйдагича кўрсатиб ўтади, яъни кўшиб ёзиладиган кўшма сўзлар.

1. Қўшма сўзлар қўшиб ёзилади: от билан отдан ташкил топган қўшма сўзлар: *тошбақа, туяқуш, ойболта, шиллиқурт, хўрозқанд, карнайгул, қўзиқорин, бўрикалла, тоққайчи, маккажўхори, қўқонгул, олмақоқи, қовун уруғ, қовунполиз каби.*

2. Иккинчи компоненти турдош сўзлар дан бўлган атоқли сўзлар : Мирзачўл, Янгийўл, Каттакўрғон, Сирдарё, Амударё, корабулоқ, Олтинкўл, Тўрткўл, Хўжақишлоқ каби.

Бундан ташқари, ўзбек тилида инглиз тилидан фарқли ўлароқ қўшма сўзлар имлосини тўғри белгилашда такрор ва жуфт сўзлар фарқланади. Яъни уларни дефис билан ёзиладиган турларга ажратиб, қўшма сўзлардан фарқлаш керакли таъкидлаб ўтилади.<sup>1</sup> Масалан, А.Хожиев бу ҳақда шундай ёзади: “Тенглашиш орқали ясалган *қовун-тарвуз, кўрна-ёстиқ, қинғир-қийшиқ* каби жуфт сўзларнинг қўшма сўзлар қаторига киритилиши тўғри эмас. Чунки қўшма сўзга хос хусусиятлар жуфт сўзларда кўринмайди”<sup>13</sup>.

Шундай қилиб, ўзбек тилида қўшма сўзларнинг имло қоидаларига асосан чизикча (дефис) билан қўшма сўзлар ёзилмас экан. Бу ҳам инглиз тилидан фарқ қилувчи бир жихати ҳисобланади.

Ўзбек тилида шундай қўшма сўзлар борки, улар ясашиш усулига кўра, сўз бирикмасидан келиб чиққан қўшма сўзлардан, сўз бирикмасига аффикс қўшиш орқали ясалган қўшма сўзлардан ҳам фарқланади.

Масалан, *қўзиқорин, қизилиштон* қўшма сўзларини сўз бирикмасидан келиб чиққан дея олмаймиз. Булар икки ўзакни қўшиш орқали ясалган қўшма сўзлардир. Морфемалар ёрдамида ясалган сўзлар морфологик усул билан ясалган сўзлар ҳисобланади. Шунга кўра, икки ўзак ёки негизини қўшиш орқали ясалган қўшма сўзларни морфологик усул билан ясалган сўзлар деб аташ мумкин.

Ўзбек тилида синтактик-морфологик усулда қўшма сўз бирикмасига сўз ясовчи аффикс қўшиш орқали ҳосил қилиниши айтилади: *беш йиллик*, минг

---

<sup>13</sup> А.Хожиев. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. Ўз.. Фан. Тошкент 1963 й.

*килограммча* каби. Бу турдаги ясалишни синтактик-морфологик ясалиш деб аташда ҳам иккита ҳолат ҳам ҳисобга олинади. Биринчидан, *беш йиллик* қўшма сўзи – *лик* аффикси қўшилишида аввал аниқловчи – аниқланмиш ҳолатидаги сўзбирикмаси эди.

Иккинчидан, *беш йил* бирикмасига сўз ясовчи аффикс қўшиш орқали беш йиллик қўшма сўзи ҳосил қилинди. Ана шу икки усулни бирлаштириб сўз яшанинг бу усулини синтактик-морфологик усул деб аталади.

Синтактик-лексик усулда сўз бирикмаси ҳеч қандай сўз ясовчи қўшимча олмаган ҳолда маълум тарақиётга учрайди: сўз бирикмасининг компонентлари бир маъно марказига бирлашади, бирикма таркибидаги сўзлар сўзлик ҳолатини йўқотади, сўз бирикмаси грамматик ва фонетик жиҳатдан ҳам бир бутун ҳолга келади. Натижада қўшма сўз ҳосил бўлади. Масалан: *даламудир, кўрсичқон, ошпичоқ, қизилуруғ, қўқонгул, молқўра* каби қўшма сўзлар, *чаласавод, калтафаҳм* каби қўшма сифатлар сўз бирикмаларидан келиб чиққан қўшма сўзлардир. Бу турдаги қўшма сўзларни синтактик-лексик усул билан ясалган қўшма сўзлар деб аташда икки ҳолат назарда тутилади: 1) бундай қўшма сўзлар бирдан ортик сўзнинг маълум грамматик қонун-қоида асосида алоқага киришувидан ҳосил бўлган сўз бирикмаси бўлган. Бу - синтактик момент. 2) шу сўз бирикмаларининг маъносида ўзгариш юз бериб, қўшма сўз ҳолига келган. Бу – лексик момент.

Демак, қўшма сўзлар гапда ўзаро структурал қўшилган яхлит бирлик бўлиб, алоҳида луғавий бирликдир. Қўшма сўзнинг яхлитлиги ва структурал қўшилуви, урғунинг бирлиги, сўзларни қўшилиб, чизиқча билан ёки ажратиб ёзилиши, семантик, морфологик ва синтактик ёки кўп ҳолларда фонетик, график, семантик, морфологик ёки синтактик фактларга боғлиқ бўлар экан.

Зеро, ўзбек тилида ҳам қўшма сўзлар ўзига хос классификацияга эга эканлиги баъзи авторларнинг қилган ишларидан кўриниб туради. Масалан: Э.Бегматовнинг олиб борган тадқиқсўзлар ида буни яққол кузатишимиз

мумкин<sup>14</sup>. Асосан қўшма сўзларни ташкил қилган компонентларнинг луғавий материалига кўра ўрганилган ишларда аниқ берилган.

---

Масалан, Э.Бегматов қўшма сўзларни бир луғавий қатламга мансуб лексемалардан ясалган қўшма сўзлар, турли луғавий қатламга мансуб сўзлардан ясалган қўшма сўзлар тарзида тасниф этади:

I. Бир луғавий қатламга мансуб лексемалардан ясалган қўшма сўзлар қуйидагича берилади:

Туркий сўз - туркий сўз; *ерсузма, сувқовоқ, қўшоёқ, семизўт, иссиқсевар* каби. Бу усулда қўшма сўзлар уларни ташкил этган лексик-морфологик материал (сўз туркумлари) га кўра қуйидаги кўринишларда берилади:

От-от тури ; бу усул жуда сермахсул эканлиги айтилади ва мисол учун қуйидаги сўзларни кўриб чиқишимиз мумкин: *итузум, тулкиқуйруқ, қуёнқулоқ, сувқовоқ, айиқтовон, айгироёқ, бойчечак, бақатерак, бузоқбоши, туяқуш, тошбақа, бойўғли, болтатумишук, белкурак,*

Сифат-от тури: *қўнғирбош, чучукмия, момиқбош, қўшоёқ, қораталоқ.*

От-сифат тури; бу усул ҳам сермахсулдир: *сутэмизувчи, ошкўк, ўқилдиз.*

От-сон тури; *отабир (она бошқа), огизибир, ҳамфикр* каби;

От-равиш тури; *буйракусти, кулоқости, ерости.*

От-ҳаракат номи тури; *ишташлаш, йўлбошлов, қонталаш* каби;

От-фёъл(фёъл формалари) тури ҳам сермахсулдир: *суйиғар, тошёрар, болтаютар, товонтешар, эчкемар.*

Рашиш-фёъл тури; *тезпишар, ўртапишар, тезқувар* каби;

Рашиш-сифат тури; *ўтаингичка, ўтақучли, ўтаогир* каби;

Рашиш-ҳаракат номи тури; *ўтақучланиш, ўтатўйиниш* каби;

Сон-от тури; *еттиуруғ, еттисувлик, еттиойлик* каби;

Сон-сифат тури; *кўпбўгинли, тўртбўгинли, иккитилли* каби;

Сон-рашиш тури; *иккиёқлама, иккитомонлама* каби;

Сифат-фёъл тури; *иссиқсевар, бўрдоқибоқар, оқўрар* каби;

---

<sup>14</sup> Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек тилининг лексик қатламлари. Уз.Фан. Тошкент., 1987й. 187-бет.

Феъл-феъл тури; *олибсотар, олибқочар, ебқочар* каби;  
Сифат-тақлид сўз тури; *олашақшақ, қоршақшақ* каби;  
Сифат-сифат тури; *гўзалқора, қўшоёқли, олачипор* каби;  
Шу билан бирга, кам махсул моделларни ҳам кўрсатиб ўтади.

Харакат номи-от; *елтишतोвоқ*;

Феъл-от; *ён атроф*;

Равиш-равиш; *ўта тез*;

Сон-феъл; *беш отар*;

Олмош-олмош; *ман-ман*;

Тақлид сўз-от; *шилдирбош*;

Олмош-равиш; *ўзбошимча*;

Шу ўринда муаллиф қуйдаги сўзларни тасниф этади: тожикча-тожикча сўзлар, *гулбозор, косагул* каби.

Арабча-арабча сўзлар: *умумабадий, бадантарбия* каби;

II. Турли луғавий қатламга мансуб сўзлардан ясалган қўшма сўзлар. Бунда иккита бошқа-бошқа қатламларга мансуб сўзларнинг ўзаро қўшилишидан қўшма сўз ясалади. Буни аралашма, яна луғавий гибрит усули дейилади. Бунда бошқа бошқа қатламларга мансуб сўзлар бирикади. Гибрит усулда сўз яшанинг қуйдаги кўринишлари мавжуд:

а) Туркий сўз-арабча сўз; *ерсовун, келинсалом, тошқалб*;

б) Туркий сўз-форс-тожикча сўз; *айиқполвон, бешпанжа, ёмгирпўш*;

в) Туркий сўз-русча интернационал сўз; *ёпиқшпиндел, кўпсоставли*;

г) Арабча сўз-туркий сўз; *арвохурган, ватансевар*;

д) арабча-форс-тожикча сўз; *умумшаҳар, шамчироқ*;

е) арабча сўз-русча-интернационал сўз; *умузавод, махалком*,

ё) форс-тожикча сўз-туркий сўз, *анжирқоқи, жодукўз*,

ж) форс-тожикча сўз – арабча сўз; *зарварақ, ҳардамҳаёл, гулбадан*,

з) русча интернационал сўз- туркий сўз; *газсув, киноюлдуз*;

и) русча-интернационал сўз-арабча сўз; *киноқисса, фоторасм*,

й) русча-интернационал сўз- форс-тожикча сўз; *картошканоя, кинотомошабин.*

Ҳар бир тилнинг бошқа тиллардан ажралиб турувчи хосликлари мавжуд. Бундай ҳолатлар бир тилда мавжуд бўлса, бошқа тилларда мавжуд эмас ва шунинг ўзи ўша аниқ бир тилнинг ўзига хос миллий спецификацияси белгилайди.

Бу аснода ишнинг осон йўлини тутишини ўйласак, балки қардош бўлган тиллардаги бирор бир ҳолатни қиёслаш ўринли бўлади. Масалан инглиз тили билан ўзбек тилини солиштирганда, кўплаб ўзига хос ажралиб турувчи белгиларни топишимиз мумкин. Қардош бўлган тилларни солиштирилганда маълум бир қисмлар ва нозик жиҳатлари аниқланади ва лексик аксарият асосий умумий томонлари эса бир-бирига мос келиши мумкин. Натижада олинган маълумсўзлар фақатгина лингво-назария жиҳатидан баҳоланиши мумкин, аммо ўқитиш методикаси ва таржима қийинчиликларида деярли ҳеч қандай аҳамият кўрсатмайди.

### **I-боб бўйича хулоса**

Қўшма сўзларнинг таркибий тузилишини таҳлил қилиш жараёнида шундай хулосага келиш мумкинки, қўшма сўзларнинг таркибини таҳлил қилиш жуда катта амалий имкониятларини очиб беради.

Қўшма сўзларнинг табиатини ёритишда асосан семантик, морфологик ҳамда фонетик жиҳатлар эътиборга олинган.

Бу мезонларнинг ҳар бири ўз ўрнида қимматли эканини унутмаслик лозим бўлади. Чунки бу бирликлар қисқа ва лўнда тушунчаларни ифодалаш учун тилда аввалдан тайёрлаб қўйилган бир бутун лексик бирикма сифатида тан олинган.

Қўшма сўз яшаш ўзининг сермахсуллиги билан, ҳар иккала тилга хос бўлган умумий ва айрим тилга хос бўлган ҳусусий жиҳатлари билан, ўзининг таркибий тузилишидаги компонентлари билан ва ниҳоят, улар ифодалаган



семантик маъноларнинг олинган сўз яшаш усулларидан алоҳида ажратиб туради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қўшма сўзларни сўз яшаш тизимида тутган ўрни турли лингвистик ва экстралингвистик ходисаларга сабаб бўлиши мумкин. Тилнинг луғат бойлигини ривожлантирувчи лингвистик омилларга тилнинг ички ривожланиши асосида пайдо бўлган янги сўзлар, сўз бирикмалари, фразалогик бирикмалар киради.

Тилнинг сўз бойлигининг ўсишига таъсир этувчи экстралингвистик ходисаларга эса, тилга таъсир этиши мумкин бўлган ижтимоий, сиёсий, маданий ва иқтисодий ходисалар киради.

## II-БОБ ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СЎЗ ЯСАЛИШ ҲОДИСАСИ

### 2.1. Ўзбек тилида сўз ясалиш структураси

**Ясама сўзлар таркиби.** Нутқда сўзлар туб ва ясама шаклда кўлланилади. Сўзнинг ясовчи қисмларга эга бўлмаган қисми **туб сўз** дейилади: *гул, инсон, мева, нозик, борди, тез*. Туб сўзлар шакл ясовчи ва сўз ўзгартувчи кўшимчалар қабул қилганда ҳам ўзининг тублигини сақлайди. Масалан, *уйча, каттароқ, бешинчи, кўринди, боғдан, дўстларим* кабилар ҳам туб сўзлардир.

Тилда мавжуд бўлган бирор усул асосида ҳосил қилинган янги сўз ясама сўз дейилади: *гулла, мевали, боғбон, қарор қилмоқ, иш боши, асалари, БМТ*.

Ясама сўзлар тузулишига кўра содда, таркибли бўлади. **Содда ясама сўзлар** таркибан битта ясалувчи асос ва бир ёки бирдан ортиқ ясовчи кўшимчалардан тузилади. Масалан, *тер+им, анг(онг)+ла, тўқи+ма+чилик, сув+сиз+лик*. Содда ясама сўзларда ташқи ва ички ясалиш мавжуд. Масалан, *пайванд+чи, боғ+бон* каби ясалувчи асос ва ясовчи кўшимчаларнинг бир сўз туркумга мансублиги **ички ясалиш** ҳисобланса, *сува(о)+қ+чи, қури+қ+лик* каби туркумлараро ясалиш эса **ташқи ясалиш** ҳисобланади. Бу турдаги ясалишда ўзакка аввал ташқи ясовчи, кейин ички ясовчи кўшилиши ҳам мумкин: *суво+қ+чи* ясалмасидаги *-қ* ташқи, *-чи* ички ясовчи кўшимчалардир.

Баъзи содда ясама сўзларнинг ясалиши тарихий ва замонавийлиги билан ҳам фарқланади. Чунки ясама сўзнинг тарихий шаклида замонавий ясалмага нисбатан асос ва кўшимча ўртасидаги муносабатни илғаб олиш қийин кечади ёки сўздаги маъноли қисмлар ўз маъносини йўқотган бўлади. Шу боис *қаттиқ, силлиқ, суюқ, эмакла, қулоқчин* каби тарихий ясалишга эга сўзлар ҳозирги тил нуқтаи назаридан туб сўз ҳисобланади.

Таркибли ясама сўзларда икки ёки ундан ортиқ мустақил луғавий маънога эга бўлган ясовчи асос иштирок этади. Масалан: *тош+кўмир, жигар+ранг*,

*эрта+пишар, БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташиклоти), АЁҚШ (Автомобилларга ёқилги қуйиш шахобчаси)* кабилар. Бундай ясама сўзлар икки ёки ундан ортиқ маъноли қисм иштирокида ҳосил бўлса ҳам, яхлитлигича битта луғавий маъно ифодалашга хизмат қилади.

**Сўз яшаш усуллари.** Ўзбек тилида сўз ясалишининг семантик, фонетик, аббревиация, аффиксация, композиция каби усуллари мавжуд. Бу усуллар даврий нуқтаи назардан икки гуруҳни ташкил қилади: 1) тарихий (диахрон) уасалиш: семантик, фонетик, аббревиация, композиция усуллари; 2) замонавий (синхрон) уасалиш: аффиксация кабилардан иборат.

**Семантик усул.** Сўзнинг бир туркумдан бошқа туркумга кўчи-ши асосида янги сўз ясалишидир. Масалан, сифатнинг отга кўчиши асосида: *кўк (осмон маъносида), эркак, чол, кампир*; содда ва жуфт феълнинг отга кўчиши асосида: *кураш, кенгаш, уруш, келди-кетди, борди-келди, қўйди-чиқди, юриш-туриш, ёзув-чизув*; соннинг равиш-га кўчиши асосида: *бирга(кетмоқ), бирдан (кирмоқ)*; отнинг равишга кўчиши асосида: *кундузи, кечаси (қайтмоқ), бошда (сезмоқ)* кабилар шулар жумласидандир. Семантик усул асосида ясалган сўзнинг луғавий маъноси янгиланиши билан бир қаторда унинг грамматик маъно ва вазифаси ҳам ўзгаради. Қиёсланг: *Мушук тавадаги гўштни олди-қочди (феъл). Олди-қочди гаплар ҳамманинг жонига теккан (сифат).*

**Фонетик усул.** Сўз таркибида юзага келадиган фонетик ўзгаришлар асосида янги маъноли сўз ясалишидир. Бу усул орқали сўз ясалишида икки хил фонетик ўзгариш натижасида янги сўз ҳосил бўлади: 1) тилнинг тарихий тараққиёти давомида сўз таркибида товуш ўзгариши натижасида янги сўз ҳосил бўлади: *кўр-кўз, бўй(доқ)-бўз, бўр-бўз*; 2) сўз урғусининг ўрни ўзгартирилиши билан: *янги'-я'нги (ҳозир), энди'-э'нди (ҳозиргина), ҳо'зир-ҳози'р.*

**Аббревиация усули.** Мураккаб сўз бирикмаларини турли усуллар ёрдамида қисқартириш орқали янги сўз ясалишидир. Масалан, *электрон ҳисоблаш машинаси-ЭҲМ, Бирлашган Миллатлар Ташиклоти-БМТ.*

Қисқартма сўзларнинг баъзилари тилимизда айнан ўзлаштирилган ҳолда ишлатилади: *ЮНЕСКО, НАТО* кабилар шулар жумласидандир. Сўз ясалишининг бу усули ўзбек тилида рус ва бошқа хорижий тиллар таъсирида ўтган асрнинг бошларида шаклланган бўлиб, фақат қисқартма сўзлар ясалишида ишлатилади.

**Аффиксация усули.** Бу усул билан ўзакка сўз ясовчи қўшимчалар қўшиш орқали янги сўз ясалади. Масалан: *ўр+оқ, дарс+лик, сез+гир, ўзбек+ча, тор+ай(моқ), мард+она.*

Сўз ясовчи қўшимчалар ўзакка қўшилиб келиш ўрнига кўра икки турли бўлади: **а) сўз ясовчи орт қўшимчалар.** Ўзбек тилида сўз ясалишининг асосини ташкил қилувчи бундай қўшимчалар ўзак-дан кейин қўшилиб, янги маъноли сўз ҳосил қилади. Масалан: *ўт+лоқ, чири+к, тош+қин, иш+чан, арра+ла* кабилар; **б) сўз ясовчи олд қўшимчалар** ўзак олдидан қўшилиб янги сўз ясади. Масалан: *бе+тиним, но+тўғри, ба+маъни, сер+ҳаракат, анти+демократия.* олд ясовчи қўшимчалар асосан сифат ясовчилар бўлиб, уларнинг кўпчилиги форс-тожик тилидан кириб келган.

**Композиция усули.** Бирдан ортиқ мустақил маъноли ўзак морфемаларнинг тобелашган ҳолда қўшулуви, бирикуви орқали янги сўз ҳосил қилинишидир. Масалан: *Мирзачул, гулқанд, гулдаста, темир йўл, қарор қилмоқ, аҳд этмоқ.* Бундай ясама сўзлар икки ёки ундан ортиқ мустақил маъноли ўзак морфемалар иштирокида ҳосил бўлса ҳам, яхлитлигича битта луғавий маъно ифодалашга хизмат қилади. Улар тузилишига кўра қўшма сўзлар дейилади. Композиция усули билан ясалган қўшма сўзлар от, сифат, равиш ва қисман феълларда кенг тарқалган. Уларнинг қисмлари ҳар хил ва бир хил сўз туркумларидан тузилиши мумкин. Масалан: *Бел+боғ, асал+ари, олиб+чиқмоқ* кабилар бир хил сўз туркумларининг қўшилишидан, *қарор+қилмоқ, осма+кўприк, тез+оқар* кабилар эса ҳар хил сўз туркумларининг қўшилишидан тузилган.

Қўшма сўзлар ҳам тарихий ва замонавийлиги билан фарқланади. Агар қўшма сўз қисмлари ҳозирги тилга нисбатан эскирган ёки бошқа тиллардан

ўзлаштирилган бўлса, улар қўшма сўз ҳисобланмайди. Маса-лан: *кечқурун, қайрағоч, бирор, одамшаванда, сантиметр* кабилар ҳозирги тилда маъноли қисмларга ажралмайдиган содда сўзлардир. Баъзи ўзлашган қўшма сўзлар маъноли қисмларга ажралиши ҳам мумкин: *фотокавера, кинотеатр, кинолента, фотомодель* кабилар шулар жумласидандир.

Сўз ясалиши ҳодисаси мустақил сўз туркумларига хос бўлиб, бу ҳодиса от, сифат, феъл, равиш туркумлари учун характерлидир. Мустақил сўзлардан сон ва олмошлар сўз ясалиш тизимига эга эмас. Чунки сон ва олмош сўз яшаш усуллари орқали бошқа туркумга мансуб сўзлардан ясалмайди. Бироқ бу туркумга мансуб сўзлар феъл, равиш ва қисман от ясалишида иштирок этади.

### **Сўзлар нинг ясалиши**

**Аффиксация усули** билан от яшаш энг маҳсулдор бўлиб, маз-кур усул орқали сўзлар нинг қуйидаги қўшимчадош гуруҳлари ясалади:

#### **1. Шахс оти ясовчи аффикслар:**

- **чи:** от, сифат, сон ва ҳаракат номидан от ясайдиган серунум аффиксдир: *ов+чи, иш+чи, аъло+чи, ёлгон+чи, икки+чи, эллик центнер+чи, кураш+чи, ўқув+чи*. Бу сўзлар умумий маъноларига кўра бир неча уядош гуруҳларни ташкил этади: 1) касб, мутахассислик билан шуғулланувчи шахс сўзлар и: *ишчи, нефтьчи, спортчи, қўшиқчи, бўзчи, ҳисобчи, тункачи, тилчи*; 2) асосдан англашилган ҳаракат ва ҳодисада иштирок этувчи шахс сўзлар и: *жангчи, исёнчи, ҳашарчи*; 3) асосдан англашилган ҳаракат ва ҳодиса билан шуғулланувчи шахс оти: *республикачи, ҳимоячи, хабарчи* кабилар шулар жумласидандир.—чи аф-фикси баъзи от ясовчилар билан маънодошлик ҳосил қилади. Шу боис улар қўшилган ўзакдош сўзлар **синонимик муносабат**да бўлади: *чорва+чи-чорва+дор, кўмак+чи-кўмак+дош, меҳнат+чи-меҳнат+каш, тил+чи-тил+шунос*. Бу аффикс сўроқ, таажжуб, кучайтирув маъноларини англатувчи - чи юкламаси билан **шаклдош**дир: *терим+чи, терим-чи*.

-**дош:** отдан биргалик, шериклик, умумийлик каби маънога эга бўлган от ясайди: *ватандош, замондош, сафдош, сирдош*. Бу аффикс баъзан тожикча

хам- олд ясовчи қўшимча билан маънодошликка эга бўлади: *касбдош-ҳамкасб, суҳбатдош-ҳамсуҳбат*.

**-каш:** отдан касб-ҳунар, хусусият сўзлар ини ясайди: *аравакаш, меҳнаткаш, қаламкаш*. Бу аффикс отдан сифат ясовчи - каш қўшимчаси билан шаклдошдир. Қиёсланг: *пасткаш, дилкаш, дардкаш*.

**-бон:** от асосдан англашилган нарсани сақловчи, парваришловчи шахс отини ясайди: *боғбон, қўйчибон\қўйчивон, дарвозабон*.

**-боз:** от асосдан англашилган нарса, машғулот билан шуғулланувчи отни ясайди: *дорбоз, каптарбоз, найрангбоз, қиличбоз*.

**-паз:** от англатган нарсани пиширувчи шахс отини ясайди: *ошпаз, сомсапаз, кабобпаз*.

**-дор:** от англатган нарсага эга бўлган шахс отини ясайди: *чорвадор, мансабдор, пулдор, амалдор*. Бу аффикс сифат ясовчи –дор билан шаклдошдир: *айдор, рангдор*.

**-шунос:** бирор соҳа билан шуғулланувчи шахс отини ясайди: *тилишунос, табиатишунос*.

**-хон:** асосдан англашилган нарсанинг доимий ўқувчиси маъноси-даги от ясайди: *китобхон, дуохон, газетхон*.

**-соз:** от англатган нарсанинг тузатувчиси, яратувчиси маъносидаги от ясайди: *соатсоз, машинасоз, асбобсоз*.

**-дўз:** от англатган нарсани тайёрловчи шахс отини ясайди: *этикдўз, махсидўз, дўппидўз*.

**-гар:** асосдан англашилган нарсага боғлиқ касб билан шуғулланувчи шахс отини ясайди: *заргар, савдогар, мискара, кимёгар*.

**-хўр:** асос англатган нарсани доим истеъмол қилувчи, олувчи шахс отини ясайди: *чойхўр, порахўр, арақхўр, текинхўр*.

**-параст:** асосдан англашилган ҳодисага эътиқод қилувчи шахс отини ясайди: *будпараст, оташпараст, машиатпараст*.

**-гўй:** асос англатган нарсани айтиб турувчи шахс отини ясайди: *насиҳатгўй, маслаҳатгўй, хушомадгўй*.

**-фуруш:** асос англатган нарсани сотувчи шахс отини ясайди: *чиннифуруш, пахтафуруш, мевафуруш.*

**-вачча:** асос англатган кишиларга қариндош бўлган шахс отини ясайди: *бойвачча, аммавачча, холавачча, амакивачча.*

Қайд этилган шахс отини ясовчи аффикслардан *-каш, -бон, -паз, -шунос, -хон, -соз, -дўз, -гар (-кор), -хўр, -фуруш* каби аффикслар форс-тожик тилидан ўзлашгандир.

**-увчи/-овчи:** феъл асосдан англашилган ҳаракатни бажарувчи шахс отини ясайди: *учувчи, тингловчи, созувчи, сотувчи.* Шунингдек, бу аффикс ҳаракатни бажаришда восита бўлган нарса отини ясашда ҳам иштирок этади: *боғловчи, зидловчи, тусловчи.*

**2. Нарса, қурол, ўлчов бирлиги сўзлар и ясовчи аффикслар.** Бу гуруҳ от ясовчилар, асосан, феълнинг ўзак-негизига қўшилиб, иш - ҳаракат бажариш учун қўлланадиган нарса, ҳаракат, ҳолат натижаси бўлган сўзлар ни ясайди. Улар қаторига қуйидагилар киради:

**-к (ик /-ак, -ук), -қ (-ик, -оқ):** *тароқ, тўсиқ, бўлак, чақирӣқ, ютуқ, ўроқ, ётоқ.*

**-ги\ -ки\ -қи\ -ғи\ -ғу:** *супурғи, чолғи, чолғу, чопқи, ачитқи, томизғи.*

**-гич \-кич\ -қич\ -ғич:** *ўлчагич, қирғич, қисқич, ўчирғич.*

**-м, -им, -ум:** *тўплам, ўрам, терим, чиқим; ютум.*

**-ма:** *туғма, тўқима, қатлама, сузма, иситма, жамғарма.*

**-инди:** *ювинди, чиқинди.*

**-қин, -қун, -ғун:** *тошқин, тўлқин, учқун, қирғин.*

**-инди:** *чўқинди, ювинди, чиқинди, йигинди.*

**-ин\ -ун:** *ёгин, йигин, бўгин, тугун.*

**-ч\ -инч:** *севинч, ўқинч, қўрқинч.*

**-иш:** *қурилиш, турланиш, кириш (муқаддима).*

**-ув\ -ов:** *ёзув, кечув, қистов, мақтов.*

3. **Ўрин-жой оти ясовчи аффикслар.** Асосан отнинг лексик маъноси-дан англашилган нарсанинг мавжуд бўлиш ўрин-жойи билан боғлиқ сўзлар ясайди:

- **лок (-лов):** *тошлоқ, қумлоқ, ўтлоқ, яйлов.*

- **зор:** *пахтазор, гулзор, лолазор, бедазор.*

- **истон:** *Ўзбекистон, Гулистон, қабристон.*

- **қоқ\-ғоқ:** *ботқоқ.*

- **хона:** *ошхона, суратхона, музхона.*

- **гоҳ:** *манзилгоҳ, оромгоҳ, сайлгоҳ.*

4. Мавхум от ясовчи аффикслар сифат, равиш, сон, от, олмош ва феълнинг ўзак-негизига, баъзан модал сўзларга қўшилган ҳолда мавхум тушунчаларни ифодоловчи сўзлар ясалади:

- **лик:** *яхшилик, тезлик, бирлик, оталик, ўзлик, манманлик, борлик, йўқлик.*

- **чилик:** *пиллачилик, пахтачилик.*

- **гарчилик:** *хафагарчилик, лойгарчилик.*

- **изм:** *реализм, чоризм, терроризм.*

- **ч\ инч:** *согинч, қувонч, севинч, ўкинч.*

- **нома:** *далолатнома, васиятнома, ташаккурнома.*

5. Ўзбек адабий тилида баъзи тақлид сўзлардан от ясовчи аффикслар ҳам мавжудки, улар унумсиз сўз ясовчилар қаторига киради:

- **ак\оқ:** *қарсак, бизбизак, қалдироқ.*

- **илдоқ:** *шақилдоқ, чирилдоқ.*

- **а:** *шаршара, гаргара.*

- **ос:** *шаррос, гулдурос.*

**Композиция усули** билан икки ёки ундан ортиқ сўз шаклларининг тилда мавжуд бўлган қолиплар асосида тобеланиши орқали бирикиши ва бу синтактик алоқанинг ҳозирги тилда кучсизланиши натижасида бир умумий маънога эга бўлиши орқали қўшма от ясалади. Қўшма сўзлар ни ҳосил қилувчи қисмлар ўзаро қуйидаги синтактик муносабатларга асосланади:



- 1) сифатловчи+сифатланмиш: *оқсақол, бешбармоқ, янги йўл, қизилиштон, итбалиқ.*
- 2) каратувчи+қаралмиш: *билагузук, бедапоя, белбоғ, сўз боши, карвонбоши.*
- 3) тўлдирувчи+тўлдирилмиш: *музёра, отбоқар, дунёқараш, ўринбосар.*
- 4) эга+кесим: *ройкелди, гўштқуйди, камтирўлди.*
- 5) ҳол+ҳолланмиш: *искабтопар, олибсотар, ишлаб чиқариш.*

Ўзбек тилида тожикча изофали бирикмалар асосида юзага келган *гулбеор, гултожухўроз, гулиқаҳқаҳ* сингари кўшма сўзлар ҳам мавжуд бўлиб, улар доим кўшиб ёзилади. Шунингдек, тилимизга рус тили орқали кириб келган *аэропорт, антисиклон, аэровокзал* сингари таркибий қисмли сўзлар ҳам борки, уларнинг қисмлари ўзбек тилида мустақил ишлатилмаслиги сабабли кўшма от ҳисобланмайди.

**Семантик усул.** Тилда мавжуд бўлган кўпгина сўз ва сўз шакллари отлашган шаклда ишлатилиши натижасида баъзан отга кўчади. Улар таркибан туб ёки ясама бўлиб, қуйидаги сўз туркумларидан иборат бўлиши мумкин :1) *уста, оқсақол, бой, қаҳрамон, бобой, момой, хотин* каби аслида сифат туркумига мансуб сўзлар; 2) *ўқувчи, ёзувчи, тўқувчи, сайловчи, аниқловчи, аниқланмиш* каби аслида феълнинг сифатдош шаклларига мансуб сўзлар; 3) *ўқиш, отиш, кириш, чиқиш, қуриш, сайлов, тергов* каби аслида феълнинг ҳаракат номи шаклига мансуб бўлган сўзлар отга кўчади. Бундан ташқари баъзи сўзларнинг жуфт ва такрор қўлланиши асосида ҳам улар отга хос маънога эга бўлиши мумкин: *қўйди-чиқди, олди-берди, у-бу* кабилар шулар жумласидандир.

**Аббревиатся усули** билан қисқартма сўзлар ҳосил қилинади. Қисқартма сўзлар нутқда ихчамликка эришиш мақсадида турғун сўз бирикмаларини қуйидагича қисқартириш орқали ясалади:

1. Қисқартирилаётган сўзларнинг биринчи товушларидан таркиб топади: *БАМ, БАР, БМТ, ГУМ.*

2. Қискартирилаётган сўзларнинг бош қисмларидан таркиб топади: *Филфак, Унвермаг, СамКочАвто*.
3. Биринчи сўзнинг бош қисми ва кейинги сўзларнинг биринчи товушларидан: *Тош МИ, Сам ДЧТИ, Сам ДУ*.
4. Биринчи сўзнинг бош қисми ва кейинги сўзни тўлиқ олиш орқали: *Мединститут, драмтеатр, автойўл*.

## **2.2. Инглиз тилида сўз ясалиш структураси**

Морфологик тузилишига кўра сўзлар туб (*single-book*), ясама (*derived-teacher*), қўшма (*compound-stonewall*) ҳамда мураккаб (*composite-man-of-war*) сўзлар га бўлинади.

Лексик маъносига кўра сўзлар икки катта гуруҳга ажратилади: атоқли (*proper*) ва турдош (*common*) сўзлар. Турдош сўзлар ўз навбатида яна 4 гуруҳга бўлинади: Мавҳум (*Abstract*), конкрет (*Concrete*), жамловчи (*Class*) ва материал сўзлари (*Nouns of material*). Бундан ташқари, жонли ва жонсиз сўзлар ҳам мавжуд.

От сўз туркумининг грамматик маъноси деганда биз одатда сўзларнинг асосий парадигмасини тушунамиз. Агар биз саналадиган сўзларнинг парадигмасини олиб қарайдиган бўлсак, биз уларда сон ва келишик категорияларини кўришимиз мумкин, синтагматик режада эса сўзларнинг гаптаги бошқа унсурлар билан бўладиган синтагматик муносабатларини ёки гаптаги махсус сўз тартибини кўришимиз мумкин.

Биз сўзларнинг фақатгина морфологик категорияларини эмас, балки уларнинг гаптаги синтактик қўлланилишига ҳам эътибор қаратишимиз керак. От сўз туркуми гапта эга, тўлдирувчи, ҳол, аниқловчи ва кесимнинг бир бўлаги вазифаларида келиши мумкин.

Сўзлар да сон категорияси ҳақида гапирадиган бўлсак, амалий грамматикадан маълумки, уларнинг бирлик ва кўплик шакллари мавжуд. Сўзларнинг кўплик шакли фақат саналадиган сўзларда мавжуд

бўлиб, турли усуллар ёрдамида ифодаланadi. Ушбу усуллар куйидагилардан иборатдир:

- 1) Синтетик усул (Synthetic method): *book - books*;
- 2) Морфологик усул (Morphological method): *man-men*;
- 3) Лексик-грамматик усул (lexico-grammatical method): *3-houses*
- 4) Лексик усул (only lexical method): *2-sheep*.

Инглиз тилида шундай сўзлар мавжудки, **шаклан** бирликда бўлса ҳам лекин мазмунан кўпликни ифодалайди, бундай **сўзлар** *Singularia Tantum* сўзлари деб аталади. Масалан: *people, police*. Шаклан кўпликда бўлса ҳам, лекин мазмунан бирликни ифодалайдиган сўзлар эса *Pluralia Tantum* сўзлар и деб аталади. Масалан: *trousers, scissors*.

О т л а р д а с о н к а т е г о р и я с и н и н г муаммоли томони шундаки, уларнинг номенклатураси тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

О т л а р д а к е л и ш и к к а т е г о р и я с и. Инглиз тили амалий грамматикаларида келишик категориясининг **икки шакли** мавжуд деб кўрсатилади. Келишик муносабатлари **нарса, ҳаракат ва** ҳолатнинг отнинг ўзида баъзи бир **шаклий белгилар орқали** ифодаланишини кўрсатади. Замоनावий **инглиз тилида келишик** категорияси муаммоси анча мунозарали муаммолардан биридир.

Келишиклар ҳақида олимларнинг фикрлари ҳам турличадир, баъзи олимлар инглиз тилида келишиклар сони иккидан ортиқ дейишса айрим бошқа олимлар эса инглиз тили сўзлар ида келишиклар умуман мавжуд эмас дейишади. (Смирницкий.А.)

Немис олими Макс Дойчбайн замоनावий инглиз тилида тўртта, яъни номинатив, генетив, датив ва аккузатив келишиклари мавжуд дейди. Агар бу фикрга қўшиладигани бўлсак, у ҳолда *with the pen* инструменталлик келишиги, *in the pen* локативлик келишиги деб келишиклар сонини бир нечтага етказиш мумкин. Умуман олганда, келишик категориясининг мавжудлиги баъзи олимлар томонидан рад қилинган бўлса ҳам бу тўғрида аниқ бир хулосага келинмаган.

Сўзлар да род категорияси. Инглиз тилида морфологик род категорияси бўлмасда, лекин бу категория тушунча категориясидан келиб чиққан ҳолда бари бир мавжуддир. Бу категория инглиз тилида турт хил усул билан ифодаланади: 1) лексик-семантик, 2) морфологик, 3) синтактик ёки лексик, 4) жонсиз предметларни жонлантириш жараёнида ишлатиладиган олмошлар ёрдамида.

Биринчи усулнинг ўзи уч хил йўл билан ифодаланади:

1. айрим лексемалар ёрдамида. *mother - father*

2. кишиларнинг исмлари ёрдамида: *Emilie - Arthur*

3. ҳайвон ёки парранда номлари ёрдамида: *bull - cow; cock -hen; mare - horse.*

Иккинчи усул айрим махсус сўзларга қўшимча қўшиш йўли билан ясалади. Бу ҳолат асосан француз тилидан кириб келган сўзлар да кўп учрайди: *actor – actress, poet-poetess, prince-princess*

Учинчи яъни синтактик ёки лексик усул асосан ҳайвон номлари билан учрайди: *Cat - male (he; Tom) cat - female (passer) cat, Wolf - mother wolf -father wolf*

Тўртинчи усулда жонлантириш усули деганда *boat, ship, steamer, mercy* каби сўзлар контекстда *she* олмоши билан алмашади. *Ocean, murder, river* каби сўзлар контекстда *he* олмоши билан алмашади. Сўзларнинг бундай олмошлар билан алмашиши сўзларнинг мазмун нуқтаи назардан келиб чиқади.

Олмошлар нарса, хусусият, саноқ ёки ҳолатни ифодалашда хизмат қиладиган сўзлар бўлиб, улар номлаш ёки тасвирлашда эмас, балки кўрсатишда ишлатилади. Олмошлар аслида от ўрнида ишлатиладиган лексемалар бўлиб, отнинг бажарадиган барча синтактик вазифаларини бажариши мумкин. Олмошлар таснифига кўра бир қанча турларга бўлинади: кишилик, эгалик, ўзлик, кўрсатиш, сўроқ, боғловчи,

биргалик, бўлишсизлик, гумон, жамловчи-белгилаш ва миқдор олмошларидан иборатдир.

О л м о ш л а р н и н г г р а м м а т и к к а т е г о р и я л а р и . Инглиз тилида кишилик олмошларида ҳар бир Шахс учун алоҳида лексик бирлик мавжуд бўлиб, уларнинг парадигмасига қарайдиган бўлсак, Шахс, келишик ва сон категориялари мавжудлигини кўришимиз мумкин. Ушбу олмошларнинг кўплик шакли бошқа лексемалар ёрдамида ясалади. Род категориси кишилик олмошларининг фақат учинчи Шахсига хосдир. Кишилик олмошлари бош (*I, you, he, she, it, we, you, they*) ва объект келишик (*me, you, him, her, it, us, you, them*) шакллариغا эга бўлиб, бош келишик олмошлари гапда эга, объект келишик олмошлари эса тўлдирувчи ёки предикатив вазифаларида келиши мумкин.

О л м о ш л а р т а с н и ф и . Эгалик олмошларининг икки хил шакли мавжуд: боғланган (*my, your, his, her, its, our, your, their*) ва абсолют (*mine, yours, his, hers, its, ours, yours, theirs*) эгалик олмошлари. Эгалик олмошларининг боғланган шакли аниқловчи вазифасида, абсолют шакли эса эга ёки предикатив вазифаларида келиши мумкин.

Ўзлик олмошлари бирлик ва кўплик шаклига эга бўлиб (*myself, himself, yourself, herself, itself, ourselves, yourselves, themselves*), улар гапда тўлдирувчи вазифасида ҳамда эгани кучайтириш мақсадида ишлатилиши мумкин.

Кўрсатиш олмошлари ҳам сон категориясига эга (*this-these; that-those*). Ушбу олмошлар гапда эга, предикатив ҳамда тўлдирувчи вазифаларида қўлланилади.

Сўроқ олмошлари гапда тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол, предикатив ҳамда эга вазифаларида қўлланилади.

Боғловчи олмошлар шаклан сўроқ олмошлари ва *that* кўрсатиш олмоши билан бир хил бўлиб, гапда боғловчи вазифасида ишлатилади.

Биргалик олмошлари *each other, one another* кабилар ҳисобланиб, уларда сон ва келишик категориялари мавжуддир.

Бўлишсизлик олмошлари *no, no one, nobody, nothing, nowhere, none* гапда эга вазифасида келганда гапнинг кесими учинчи Шахс бирликда бўлади. Улар инкор гапларда ишлатилиб, эга, предикатив ва тўлдирувчи вазифаларида қўлланилади.

Гумон олмошлари *some, any* ва улар асосида ясаладиган олмошлар ҳисобланиб, уларда келишик категорияси мавжуд. Гапда тўлдирувчи, ҳол ва эга вазифаларида келиши мумкин. Улар ҳам гапда эга вазифасида келганда гапнинг кесими учинчи Шахс бирликда бўлади.

Жамловчи - белгилаш олмошлари каторига *all, both, every* каби олмошлар кирсада, ҳозирги замон инглиз тилида бу олмошлар гапда қандай синтактик алоқалар базасида иштирок этиши аниқланган эмас.

Миқдор олмошларига *much, many, few, a little, several, enough* каби олмошлар киради.

О л и м л а р н и н г ф и к р л а р и. М.Блохнинг фикрича, олмошга хос хусусиятлар қуйидагилардир: 1) индикация(кўрсатиш ёки таъкидлаш)га хос категориал маъно; 2) гапда от ёки сифатга хос вазифаларда кела олиши; 3) *the narrow sets of various status with the corresponding formal properties of categorial changeability and word building*.

Б.Ильишнинг фикрича олмошларнинг маъносини мустақил сўз туркуми сифатида аниқлаш бироз мушкул. Бунга сабаб баъзи олмошлар от сўз туркумига хос (*e.g. He*), айрим олмошлар эса сифат сўз туркумига хос хусусиятларни (*e.g. which*) ўзида намоён этади. Бу эса баъзи олимларни олмошлар мустақил сўз туркуми сифатида мавжуд бўлмаган ва уларни от ҳамда сифат сўз туркумлари орасида тақсимланиши керак деган фикрни илгари суришларига сабаб бўлади.

Суит ҳамда баъзи бошқа олимлар олмошларни от-олмошлар (*I, you, he, they*) ва сифат-олмошлар (*my, our, that*) деб номлайдилар.

## II боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда, сўзларнинг ўзаро қўшилиши орқали ҳосил бўлган бирикмаларнинг таркиби, уларнинг бирикиш тартиби каби масалаларни ўрганиш тилшуносликда катта аҳамият касб этади. Чунки қўшма сўзлар ни классификациялаш масаласи, хусусан тузлиш жиҳатидан бир-бирига бутунлай узоқ бўлган инглиз ва ўзбек тиллари учун умумий характерга эга бўлган классификация сизонини топиш ёки минглаб чиқиш ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида шуни кўриш мумкинки, қўшма сўзлар асосан идиомалардан, қўшма сифатлар эса фразеологик бирикмаларда кенг тарқалган. Қўшма равишлар нисбатан анча камроқ ҳосил қилинади. Лекин бу ҳол равишлар табиатини ўрганиш шарт эмас, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Кам бўлсада, улар тилда мавжуд бўлган тил ҳодисаларидир ва уларнинг табиатини ўрганиши ҳар бир тил ўрганувчи учун муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

## III-БОБ ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ҚЎШМА СЎЗЛАРНИНГ СТРУКТУРАВИЙ-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

### 3.1.Инглиз тилида қўшма сўзларнинг структуравий таҳлили

Инглиз тилида қўшма сўзлар таркибий тузилиши, яъни бу қўшма отни ҳосил қилишда бевосита иштирок этувчи компонентларнинг табиатига кўра куйидаги таркибдан иборат бўлиши мумкин:

- 1) от билан отнинг бирикишидан (N + N): honeymoon, doorway, rain box, school master, skinhead, armchair, sitting-room, looking -g lass, nick pocket, hone work, grammar –school кабилар.
- 2) Сифат билан отнинг бирикишидан (A+W): blackboard, maddoctor (psychiatrist), green hoase
- 3) равиш билан отнинг бирикишидан (Adv+N) afternoon
- 4) феъл билан кўмакчининг бирикишидан V+postposition : aholdup
- 5) равиш билан феълнинг бирикишидан (Adv+V) : out let
- 6) феълнинг от билан бирикишидан (V+W): pick pocket, crybaby
- 7) от билан феълнинг бирикишидан (N+V) handshake, babysit
- 8) сифат билан отнинг бирикишидан (Pt + N) : lookiny- glass, diving-suit, dancing-hall. Булардан ташқари янги сўзлар икки ўзак ва унга қўшилган суфикслар ёрдамида ҳам ҳосил қилиниши мумкин (N + V + Suffix) M: watch maker, bookbinding, dancing-hall, etc.

Қўшма сўзлар турли йўллар билан ҳосил қилиниши мумкин. Бунда тилда мавжуд бўлган “railway” сўзига аналогия йўли билан tramway, speedway, bikeway каби қўшма сўзлар ни яшаш мумкин.

Инсонга хос хусусиятлардан бири шуни, у янгичдан дуч келган ҳодисага аввал унга маълум бўлган ҳодисалар билан таққослаш, қиёслаш орқали янги тушунчани ифодаловчи сўзлар ихтиро қилади. Бунда қиёслаш ёхуд таққослаш учун янги пайдо бўлган ҳодисанинг ёки нарсанинг ранги, шакли, таъми, ўлчами каби мезонлар хизмат қилиши мумкин. Шундай қилиб, мисол тариқасида оладиган бўлсак, globe-flower қўшма отида гулнинг шакли ер шар (ёки оддий асар)ига ўхшашлиги асосий мезон қилиб олинган, tiger -



shark қўшма отида эса акуланинг ташқи қиёфаси (ранги) йўлбарс териси рангича ўхшаш тарзда (тарғил рангда) бўлганлиги асосий меон қилиб олинган. Бу қаторга Г. Маранд томонидан тавсия этилган қўшма сўзлар ни ҳам келтириш мумкин. Масалан: қиёслаш (black head, wiregrass), ..... (tin ware, net work), мақсад (gunpowder), жой (water horse, headache), mountain-ash, вақт (..... song, moon flower, night-owl), ва бошқалар.

Ҳар иккала яъни инглиз ва ўзбек тилларда ҳам қўшма сўзлар нинг кўп ва асосий қисмини икки компонентдан иборат бўлган қўшма сўзлар ташкил этади.

Мешков О.Д. “Медали составные существительных (213 бет) мақсадида инглиз тилида қўшма от моделларини сўз туркумларида бир неча грамматик формада уларни матричасини кўрсатиб берган яъни:

- 1) от – N                    2) сифат - A                    3) феълларни ..... шакли – V (to юкламасиз). .....-б 5) сифатдош I-pi  
6) сифатдош II-p” 7) субетактив олмош –Pr n a. 9) кишилиқ олмошлари pr. p  
10) Равиш –Д, 11) саноқ сон –Num<sub>c</sub>. 12) Тартиб сон- Num<sub>o</sub>. 13) Предлог – prep. 14) юклама port.

Инглиз тилида агар ҳар бир сўз туркуми билан қўшма от хосил қила оладиганда 196 та моделда шаклланиши мумкин эди” дейди О.Д. Мешков, кузатувларга қараганда икки қисмдан иборат бўлган инглиз тилидаги қўшма сўзларни ҳозирги кунда 39 та комбинацияда шаклланиши аниқланган. Қўшма сўзлар ни алоҳида бериб ўтилган матрицияси бўйича турли сўз туркумларининг қўшма от сифатида шаклланиши бир хил эмас экан. Бундай валентлик ёки бу сўз туркумининг қўшма от таркибида биринчи ёки иккинчи компонент сифатида келишишга боғлиқ бўлар экан (N) отнинг биринчи компонент сифатида келиши қуйидагича кўрсатилган 1) N –N) 2) N-A, 3) N-6, 4) N-PI, 5) N-PII, 6) N-D, иккинчи компонент сифатида 1) N-N, 2) A+N, 3) V – N, 4) 6-N 5) PI-N, 6) PII-N, 7) pr. –N, 8) D-N, 9) Num -N 10) Num<sub>o</sub> –N, 11) prep-N 12) port-N

Сифатнинг биринчи компонент сифатидаги валентлиги қуйидагичаю (V)

1) A-N, 2) A-A, 3) A-PI, 4) A-PII, 5) A-D, иккинчи компонент сифатида

1) N-A, 2) A-A, 3) V-A, 4) D-A, 5) Num<sub>e</sub>-A 6) Num<sub>o</sub>-A

Феълнинг (V) биринчи компонент сифатидаги валентлиги қуйидагича:

1) V – N, 2) V – A, 3) V-V, 4) V –Pr<sub>2</sub>, 5) V-D 6) V-Prp

иккинчи компонент сифатида 1) V-V, 2) D – V

Герундийни (6) биринчи компоненти сифатидаги валентлиги 1) 6-N, иккинчи компонент сифатида 2) N-6.

Сифатдош 1 (PI) биринчи компонент сифатидаги валентлиги 1) PI – N иккинчи компонент сифатида 1) N-PI, 2) A-PI, 3) Pr<sub>a</sub> PI, 4) D-PI.

Сифатида (PII) нинг биринчи компонент сифатидаги валентлиги 1) PII –N иккинчи компонент сифатида 1) N-PII, 2) A-PII, 3) Pr<sub>a</sub> – II, 4) D-PII.

Субстантив сўзлар (Pr<sub>n</sub>) бу категория функционал бўлиб қўшма от хосил бўлишида иштирок этмайди. Олмошни валентлиги яъни сифат шаклида биринчи компонент сифатида 1) Pr<sub>a</sub>-N, 2) Pr<sub>a</sub> –PI, 3) Pr<sub>a</sub> – PII, 4) Pr-D иккинчи компонент сифатида V-Pr<sub>a</sub>.

(Pr<sub>p</sub>-N) Шахс олмошининг биринчи компонент сифатидаги валентлиги Pr<sub>p</sub>-N иккинчи компонент сифатидаги валентлиги 1) Pr<sub>p</sub> – Prep

Равишни биринчи компонент сифатидаги валентлиги 1) D-N, 2) D-A, 3) D-V, 4) D-PI

5) D-PII 6) D-D Иккинчи компонент сифатида 1) N-D 2) A-D 3) Pr<sub>a</sub>-D, 4) D-D, 5) Num<sub>o</sub>-D, 6) V-D.

Санок (Num<sub>o</sub>) соннинг биринчи компонент сифатида валентлиги 1) Num<sub>c</sub> –N 2) Num<sub>o</sub>-A иккинчи компонент сифатида келмайди, яъни – O,

Тартиб сон (Num<sub>o</sub>) биринчи компонент сифатидаги валентлиги 1) Num<sub>o</sub>-N 2) Num<sub>o</sub>-A, 3) Num<sub>o</sub>D иккинчи компонент сифатида – O.

Предлоги (Prep) биринчи компонент сифатидаги валентлиги 1) prep –N, 2) Prer-Prp, иккинчи компонент сифатида V –Prep юкламанинг (Port)

биринчи компонент сифатида валентлиги Port –N ва иккинчи компонент сифатидаги валентлиги – O.

Сўз туркумларининг валентликларини қўшма сўзлар да биринчи ва иккинчи компонентларини қўйидаги кўрсатиш мумкин, яъни сўз туркумларини валентлигини биринчи компонент сифатидаги роли қўйидагича кўринишда бўлади.

Ўзбек тилида эса ушбу ишимизда қўшма сўзларнинг сўз туркумлари бўйича алоҳида моделлари матрицаси берилмади. Чунки қўшма сўзларни сўз туркумлари бўйича таҳлил қилиш мураккабдир. Уларни моделлари таблицасини яратиш учун алоҳида ва жиддий иш олиб бориш керак бўлади.

Инглиз тилида қўшма сўзлар қўйидаги моделлар бўйича шаклланади.

Ўз-ўзидан маълумки қўшма от моделлари бир-биридан кўплаб характерлари жихатидан фарқ қиладилар. Шундай моделлар борки юзлаб, минглаб сўзлар ясалади ва тилнинг луғат составида ижтимоий тушунчаларни ифодалаш билан бирга жуда кенг жойни эгаллайди. Шу ўринда яна шундай моделлар борки, бундай моделлар унчалик тилда махсулдор эмас ҳар иккала солиштираётган тилларда ҳам моделларни аксарият қисми от ва сифат сўз туркумларидан иборатлиги аниқланади. Кейин эса, бошқа сўз туркумлари иштирокидаги моделлардан ташкил топган қўшма сўзлар тил луғатини бойитувчи омил ҳисобланади.

### **3.2. Инглиз тилидаги қўшма сўзларнинг семантик жиҳатдан таҳлили**

Қўшма сўзларнинг семантикаси анча мураккаб ва шу билан бир вақтда ҳар томонлама ёндашишни талаб қиладиган тил ҳодисасидир. Ушбу масалага тилшунослар турлича ёндошадилар. Уларни баъзилари қўшма сўзларни семантикасига умумлаштирувчи метафорик маъноли бирикма, семантик жиҳатдан бир бутунликни билдирувчи тугал бирикма, идеоматик характердаги бирикма, аташ қобилятини бир бутунлиги, ва ниҳоят бирикмани фразеологик маъноси ҳақида мулоҳаза юритадилар.

Қарашларни бу тарзда турланиши ушбу масаланинг ҳали тўла ва муфассал ўрганилмаганидан далолат беради.

Қўшма сўзлар ни семантикасини таҳлил қилишида асосан, қуйидаги уч тамойилга таяниб иш кўрилади.

а) қўшма сўзларни текис маъноси уларни перефразга қилиш ёхуд бошқа синтактик иборалар ёрдамида трансформация қилиш;

б) атов хусусиятига эга бўлган қўшма сўзларни негизида ётган моделларни синтактик ва семантик муносабатларининг чекланганлиги;

в) ушбу тоифадаги қўшма сўзларни вариантларини яратишни сермахсуллиги.

Ушбу тамойилларнинг маъқуллигининг исботи учун бир неча мисоллар келтирамиз bullet hole, pea princess. Биринчи мисолимизни табиатини, унинг маъно моҳиятини очиш учун бир неча трансформалар бериш мумкин: a hole made by a bullet, a hole shaped like a bullet, part d a bullet- forming apparatus: Иккинчи мисолимиз учун қуйидаги трансформаларни келтириш мумкин.

One who passes the lest of a pea under 20 mattresses, over sensitive person a princess whose family is rich with pea firms:

Ушбу информациялар ҳосил қилинган қўшма бирикмаларнинг маъноларини психологик нуқтаи назаридан таҳлил қилишда бизга ёрдам беради.

Шуни эътибордан қочирмаслик лозимки, кийинги йилларда қўшма сўзларнинг улар ифодалаётган экстралингвистик омиллар билан таққослаш борасида кўпгина мулоҳазалар билдилмоқда<sup>15</sup>.

Тилни бу соҳасини ўрганадиган тармоқ одатда ономосиология деб аталади.

Тил ходисаларни номинация (аташ) назарияси асосида талқин қиладиган тилни бу тармоғи “тилдан ташқари (эстралингвистик) содир бўладиган ходисаларни тилни тизими ва структурасига олиб кириб

---

<sup>15</sup> Гильдина А.К. Некоторые вопросы изучения сложных слов в свете теории номинации. В кн... Морфемная и слово образовательная структура слова. Калинин 1979б 31-44 бетлар

ўрганишни тақозо этади. Маълумки, номинация” тушунчасини 2 хил: ҳам кенг маънода, ҳам тор маънода тушуниш мумкин.

Кенг маънода тушунилганда барча нарсалар, борлиқ ундаги мавжуд сўзлар, ходисалар, шахслар, ҳаракатлар, хусусиятлар, муносабатларни номлари назарда тутилади. Тил ходисаларини ўрганишга нисбатан бундай ёндашув тил тизимини умумий типологик жиҳатдан ўрганилганда қўл келади.

Тилнинг аниқ бир материални тадқиқ этишда эса, “номинация” атамасини ўзининг тор маъносида, янги нарсаларни номини аташда номинациянинг асосий тури сифатида қўлланилади. Маълумки қўшма сўзларни семантикасини аниқлашда, асосан, уни ташкил этувчи компонентларнинг семантикасига таяниб иш кўрилади.

Масалан, *airbus* ва *taxi* қўшма сўзларни ҳосил қилишда таркибий қисмларни иммантик маъноси тўлалигича сақланиб қолган, яъни унинг бирор семаси тушириб қолдирилмаган. Бунда мотивация ходисаси бирор компонентни иккинчи компонент томонидан англашиладиган хусусияти яъни ўхшашлиги (*bubble umbrella*), бажарадиган функцияси (*attack clod*), ўрганадиган (шуғулланадиган) фаолият доираси (*food professor*), ёки ҳаракат холат ўрин билан боғлиқ. М: *car bomb* кабилар.

Қўшма сўзларни анчагина қисми мураккаб таркибли мотивация асосида ҳосил қилинади. Бунда иккитагина компонент эмас, балки бир неча компонентни ўзаро муносабати ҳисобга олиниши мумкин. Бу муносабатлар анча мураккаб характерга эга бўлиб, уларнинг бир қисмигина ушбу компонентда акс этиши мумкин. Масалан янгитдан ҳосил қилинган *voice – print* ва *lip-print* бирикмалари ҳам худди уларга ўхшаш усулда ҳосил қилинган *finger-print*” бармоқ изи, яъни одамни таниб олиш воситаси” маъносини англагани каби “лаб изи” ва спектрографга ёзиб олинган овоз (*pusvasu*)” каби маънони англатиш мумкин.

Қўшма сўзларни табиатини ўрганиш жараёнида уларни ташкил қилувчи компонентларнинг маънолари баъзан жуда мавхумлашиб, шериги билан

бирликда янги, идиоматик характердаги маъно хосил қилиши мумкинлигини ҳам тадқиқотчи унутмаслиги лозим бўлади.

Масалан, water –dog бивалый моряк – пихании ёрган, тажрибали денгизчи”, hele-cft “мечера, ведьма – ялмоғиз”, idiot – box “телевизор –яъни одамнинг чалғитадиган нарса” каби қўшма сўзларни маъносини уни ташкил қилувчи компонентларни хусусий маъносидан чиқариб бўлмайди.

Бироқ шуни унутмаслик ҳам лозимки, қўшма от хосил бўлган дастлабки даврда ифодалаган маъноси вақтлар ўтиши ва жамиятда, шу жумладан тилда ҳам бўлиб ўтаётган ўзгаришлар таъсирида ушбу бирикмани маъноси хажмида ўзгариш юз бериши мумкин. Масалан, black board бирикмаси олдиндан “қора тахта” маъносида қўлланилган бўлса, тараққиёт жараёнида у замон ўзгариши билан ва ушбу бирикма англаган буюмни вазифаси ўзгариши билан у “синф доскаси” деган маънони англата бошлаган. Бу ҳақда В.С. Жастуининг фикрлари алоҳида ахамият касб этади<sup>16</sup>.

Шундай қилиб қўшма сўзлар ни ташкил қилувчи элементларнинг морфологик структураси ва уларни қўшма от таркибида жойлашиш ўрнига кўра айрим қўшма сўзлар ни сўз яшаш жараёнидаги маънолари ҳақида тасаввур хосил қилиш мумкин. Масалан: Adj +N: darkroom – N + Adj iron-rich – субстаитив компонентни хусусиятлари орқали характерланадиган предмет. Иккита объектив хусусиятни бирикишидан хосил бўладиган белги, хосса ва хоказо. Юқорида келтирилган мисоллар ва улар асосида хосил қилинган мулоҳазаларни умумлаштириб шуни таъкидлаш мумкинки, қўшма сўзлар ни янги сўз хосил қилиш жараёнида ўйнайдиган рўли унинг маъносининг мавхумлашуви асосида рўёбга чиқади. Бунда унинг формал (шаклий) ва семантик (маъновий) нуқтаи назаридан мотидациялашганлигига боғлиқ холда рўй беради ва сўз яшаш жараёни сўзларни формал семантик жихатдан ўхшашлигига путур етказиш сифатида намоён бўлади. Демак, қўшма сўзлар

---

<sup>16</sup> Шастун В.С. К вопросу об идиоматичности сложных существительных образованных по модели «Сущ- Суш» в английском языке Словообразование и его место в курсе обучения иностранному языку. – Владивосток 1981-С. 98-106.

ни семантик таҳлил қилиш жараёнида шакл ва мазмунни бирлиги ҳақидаги фалсафий ақидани назардан қочирмаслик зарурияти пайдо бўлади. Зеро, тил бирлигининг ташкил этувчи қичмлари орқали ҳосил қилинган бир бутунлик орасида мустаҳкам боғлиқлик тамойилини топади.

Бундан тадқиқот усули қўшма сўзларнинг семантикасини таҳлил қилиш воситаларини муҳайё қилиб беради ва тадқиқотчининг ишини осонлаштиради. Қўшма сўз ҳамиша компонентлардан ташкил топади.

Сўзларни семантик структурасини тадқиқ этиш анчадан буён давом этиб келади. Ана шундай етук тадқиқотчилардан бири И.В. Арнольд ҳисобланади. Унинг фикрича сўзларнинг семантик маъносини таҳлил этишда албатда уларнинг лексик ва грамматик жихатларини биргаликда, комплекс тарзда тадқиқ этилганда анча самарали тадқиқот ишларини амалга ошириш имкониятлари пайдо бўлади. Муаллифнинг фикрича, сўзнинг семантик тадқиқ этилаётганда уни шаклини эътиборда тутиш лозим. Сўзлар ни семантикасини ташкил этишда муаллиф “сўзлар (сўз туркумларининг лексик ва грамматик разряди (тоифаси)” деган атамини қўллашни маъқул кўради. Бу атамани муаллиф “шаклан бир уйғунликка эга бўлган сўзлар” деб атайди. Унингча бир хил шаклга эга бўлган сўзлар, маълум бир категорияни ифодалаш қобилиятига эга бўладилар, бир хил тоифадош аффикслардан фойдаланадилар ва бир хил моделлар асосида янги сўзла ҳосил қилишлари ҳам мумкин.<sup>3</sup> Ана шу тамойил бўйича олиб борилган тадқиқсўзлар и натижаси ўлароқ, муаллиф инглиз тили луғат составида сўзларнинг 8 та лексик –грамматик разрадини аниқлади.

Фразеологик бирикмалар таркибида қўшма сўзлар ўз маъносини қисман ўзгартириши ҳам мумкин. Бундай бирикмалар таркибидаги сўзлар маъносини ўзгариши анчадан буён кўпгина тилшунос мутахассисларни диққатини ўзига жалб қилиб келади.

Бу борада И.И. Иванова олиб берган изланишлар киши диққатини ўзига тортади. У кишини олиб борган тадқиқоти изланишлари натижаларига кўра N+N ва A+N типидagi қўшма сўзларни учта майда гуруҳларга ажратиш

мукин. Биринчи гурухни муаллиф “идеаматик” гуруҳ деб атайди. Бу гуруҳга кирган қўшма сўзлар шу даражада идеомалашиб кетганки, уларни ташкил қилувчи компонентларни трансформация қилиб, яъни бир-биридан ажратиб ҳам бўлмайди, уларни бошқа бир сўз билан ҳам алмаштириб бўлмайди.

Масалан, “sry - light” бирикмасини “light of the sky” тарзида трансформация қилиб бўлмайди<sup>17</sup>.

Иккинчи гуруҳга кирувчи қўшма сўзларни муаллиф “ноидиоматик” характердаги гуруҳ деб аталади. Бу гуруҳга кирувчи қўшма сўзлар ўз маъносини қисман ўзгартириши ҳам мумкин. Бундай бирикмалар таркибидаги сўзлар маъносининг ўзгариши анчадан буён кўпгина тилшунос мутахассисларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келади.

Бу борада И.И. Иванова олиб борган йўналишлар киши диққатини ўзига тортади.

### **3.3. Ўзбек тилида қўшма сўзларнинг структуравий таҳлили**

Ўзбек тилида қўшма сўзлар таркибий тузилиши, яъни, бу қўшма отни ҳосил қилишда бевосита иштирок этувчи компонентларнинг хусусиятларига кўра қуйидаги тартибда бўлиши мумкин:

1) от билан отнинг бирикишидан (N + N) М: қорбобо, тошқўмир, ошқовоқ, отқулоқ, қўлқоп, ойболта, тошбақа, бақатерак, бедапоя, маккажўхори ва бошқалар.

2) Сифат билан отнинг бирикмасидан (А + N). М: оқсоч, қизилдош, кўк кўз, оққуш, каттакўрғон, янгийўл, кўричак, бойўғли ва бошқалар

3) Сон билан отнинг бирикмасидан: М, Учкўприк, Бешариқ, Олтиариқ, Бешбангчи, Тўрткўл, Эллиқ қалъа кабилар.

4) Иккинчи қисми –ар қўшимчаси билан тугаган сифатдошнинг от ёки сонга қўшилиши орқали ҳам янги қўшма от ҳосил қилинади. М: ўринбосар, бўрибосар, бешиқ терватар, бешотар кабилар.

---

<sup>17</sup> Арнольд И.В. Лексикология современного Английского языка. 2-изд –М: Высшая школа 1973- 303 с. 144.

Арнольд И.В. Лексикология английского языка –М. Литература на иностранных языках. 1959-351 с.



Шу билан бир қаторда ўзбек тилида феълнинг негизига – маюкламасини қўшиш билан отга бирикиши орқали ҳосил бўлган қўшма сўзларга дуч келамиз. М: кўтарма кран, учма поезд, кўчма коллона. Ёки феълнинг иккинчи шахсга қаратилган буйруқ шаклларининг бирикишидан ҳам қўшма от ҳосил қилиш мумкин. М: чайла-манг-шияси-нг кабилар.

Шуни ёдда тутиш лозимки, ўзбек тилида ҳам инглиз тилида ҳам қўшма сўзларнинг қай ўринда бирга қўшиб ёзилиши ва қачон ажратиб, шу билан бир қаторда чизиқча “\_\_\_” биланми ёки усиз ёзилиши ҳақида мукамал бир фикр билдирилмаган. Биз танишиб чиққан луғатларда уларнинг айримлари қўшилиб ёзилган, айримлари ажратиб, баъзилари чизиқча орқали ёзилган бўлса, айримлари чиқизчисиз ёзилган.

Қўшма сўзлардан жуфт сўзларни фарқлаш лозим бўлади. Жуфт сўзлар одатда чизиқча (-) билан ёзилади: М: қозон – товоқ, оз-моз, қўйди-чиқди, олди-сотди, айтди-қўйди, келиб-келиб, уч-тўрт, қишин-ёзин, ёза-ёза кабилар. Агар шундай жуфт сўзлар орасида – и – ю юкламаси келса чизиқча (-) ёзилмайди, сўзлар эса алоҳида-алоҳида ёзилади. М: еру осмон, катгаю-кичик каби. Бундан ташқари ажратилмай қўлланиладиган килоқат-соат, грамм-молекула каби сўзлар ҳам чизиқчи билан ёзилади. Амал-унвонни билдирувчи виця, унтер, экс каби унсурлар чиқизча билим ёзилади. М: унтер-офицер, экс-чемпион, вице-президент каби.

Қўшма сўзлар қайси тилда бўлишидан қатъий назар, айтилмоқчи бўлган хабар ёки бирон тушунчани юқорида зикр этилган “лингвистик тежамкорлик томоийли асосида қисқа ва лўнда боситалар ёрдамида ифодалашга хизмат қилади. Қўшма сўзларни таҳлил қилишда одатда, шаклий, яъни таркибий компонентлар асосида таанланади. Бироқ қўшма отнинг ифодаланган маъносига қараб ҳам уларни тоифалаш мумкин.

Қўшма сўзларни семаитик принцип асосида тоифалаш тарафдорлари ташкил этувчи компонентлар ифодаланган маъноларнинг бир-бирига қўшилиб кетиши орқасида ҳосил бўладиган янги маънога асосландилар ва

